***Key words:*** Remote sensing, NDVI, LST, pasture, hayfield, correlation difference (coefficient), sensor, Landsat-8, thermal infrared radiation.

**Kirish.** Jahonda turli omillar ta'sirida yaylovlarda yuzaga kelayotgan o'zgarishlarga hamda degradatsiya ko'rsatkichlarini masofadan zondlash orqali aniqlashga qaratilgan ilmiy-amaliy tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Bu borada masofadan zondlash orqali yaylov yerlarni monitoringini yuritishda mexanizmlar yaratish, tog'oldi yaylov yerlarida o'simliklar bilan qoplanganligi darajasini, o'rtacha hosildorligini aniqlash hamda yaylov yerlari monitoringini yuqori aniqlikda yuritishga qaratilgan ilmiy-tadqiqot ishlariga ham alohida e'tibor qaratilmoqda.

**Dolzarbligi.** Respublikamiz umumiy yer fondining 46,5 foizni yaylov yerlari tashkil etadi (21,1 mln gektar). O'rganishlar davomida (35-40 yil) 78 foiz maydon degradatsiyaga uchrashi natijasida yaylov o'simliklari soni va hajmi kamayib borishi qayd etilgan.

**Tadqiqot ob'ekti va uslublari.** Tadqioqot ob'ekti bo'lib Toshkent viloyati Bo'stonliq tumani yaylov yerlari va tuproqlari xizmat qiladi.

Tadqiqot uslubi asosini yer tuzish loyihalari, yaylov va pichanzorlarni masofadan zondlash materiallari, NDVI va LST natijalari jadvali va ma'lumotlari tashkil etadi.

**Tadqiqot ishi natijalari va ularning muhokamasi.** Maqolada 2013, 2014, 2015, 2016 va 2022 - yillar mavsumida tog' yaylov yerlarning holatini **Landsat-8** sun'iy yo'ldosh sensori yordamida Toshkent viloyati Bo'stonliq tumanining (LST) - Land Surface Temperature) tuproq ustki qatlami harorati hamda (NDVI - Normolized difference vegetation index) o'simliklarni me'yorlashtirilgan farq indeksi bilan o'zaro bog'liqligi o'rganildi. Bo'stonliq tumani o'rtacha (LST) tuproq ustki qatlami harorati vaqt o'tishi bilan asta-sekin iqlimni o'simliklarga bo'lgan ta'siri ortib borayotganligi aniqlanildi. O'rtacha NDVI qiymati Landsat-8 ma'lumotlariga ko'ra 0.63 ni tashkil etmoqda, Sentinel-2 ma'lumotlaridan ham yuqoriligini ko'rishimiz mumkin. Albatta o'rganishlarimiz davomida butun davr mobaynida kuchli, salbiy LST-NDVI korrelyatsiyasi kuzatildi. Korrelyatsiya koeffitsenti o'rtacha (LST) dan yuqori bo'lgan hududda yuqoriroq va o'rtacha (LST) dan pastroqdir. Korrelyatsiya koeffitsientining qiymati vaqt o'tishi bilan kamayadi. O'rgnailayotgan hududning LST va NDVI munosabatlari antropogen va ortiqcha o'tlatish kabi omillarda ham o'zgarishlar bilan chambarchas bog'liqdir. Quyida keltirilgan (1-jadval)dagi tahlillar tadqiqot ob'ektidan olingan masofadan zondlash yordamida vegetatsiya ma'lumotlari natijalar keltirib o'tilgan.

Sun'iy yo'ldosh tasvirlarining termal infraqizil (TIR) diapazonlari ko'pincha yer yuzasi xususiyatlarining biogeokimyoviy hossalarini aniqlashda ishlatilib, sun'iy yo'ldosh tasvirlarining termal infraqizil chiziqlaridan yer yuzasi haroratini (LST) aniqlash juda muhim, chunki u yer yuzasi komponentlariga bog'liq va vaqti-vaqti bilan o'zgarib turadi. Tabiiy o'simliklar (LST) taqsimotining o'zgarishini nazorat qiluvchi eng muhim xususiyatlardan biridir. Eng ko'p qo'llaniladigan vegetatsiya indeksi o'simliklarni me'yorlashtirilgan farq indeksi (NDVI) bo'lib, u LSTni hisoblashda sezilarli darajada qo'llaniladi. (LST) - NDVI korrelyatsiyasiga ta'sir qiluvchi iqlim, o'simlik turlari, yerdan foydalanish, urbanizatsiya va boshqalar kabi juda ko'p omillar mavjud.

Bugungi kunda rivojlangan davlatlarda bu kabi tadqiqotlarda olib borilgan ko'plab so'nggi tadqiqot ishlari LST-NDVI korrelyatsiyasini aniq modelga ega ekanligi o'z tasdig'ini topgan. Bizning ham tadqiqotlarimizda bu kabi modullar va mexanizmlar aks etirilgan. Tadqiqotlar o'zimizning mintaqaga moslangan holda amalga oshirilgan. Tadqiqot ob'ektining umumiy geografik joylashishi (koordinatasi), tuproq qatlami, iqlimi, aholisi va gidrografik ob'ektlari kiritib o'tilgan. Masofadan zondlash yordamida qilingan bu tadqiqotda eng avvalo real vaqt rejimida ishlashidir.


Olingan ma'lumotlarni geometrik, radiometrik tuzatish va qayta ishlashda Landsat-8-9 kosmik qurilmaning C2-kanalida ham rastr sur'atlarni ishlatish uchun zarur bo'lgan dastlabki ishlov berish bosqichlari. Sun'iy yo'ldosh tasvirlarining termal infraqizil diapazonlari (NDVI) uchun 5-4 bandlar va LST ma'lumotlari uchun (10-band) tanlab olinadi.

2013 - yildan 2021 - yilgacha 8 yillik ma'lumotlar (LST)ning hududning shahar qismiga yaqin joylarida harorat bir muncha issiq va shahardan uzoq hududlarda esa havo harorati bir muncha past (sovuq) ekanligi va vegetatsiya jarayonlari shu sababli ham kechroq boshlanishini ko'rishimiz mumkin. Yillik (LST) qiymatining o'rtacha qiymati 41,9°C (2018) va 53°C (2021) orasida. Shahar hududiga yaqin massivlarda yani o'rganilayotgan hududining shimoli-g'arbiy va janubi-sharqiy qismlarida (LST) ko'rsatkichlari yuqori 53°C (LST) ning past qiymatlari tog' va tog' hududlarida kuzatildi. Tarqoq daraxtlar, suv-botqoq yerlari va suv havzalari qish faslida yog'gan yog'in miqdorini va qor va muzliklarni mavjudligi sababli tuproq ustki qatlamining bir-muncha soviq harorati kuzatiladi.

2013 - yilning uch fasli (qish, yoz, kuz) da masofadan zondlash orqali olingan ma'lumotlarni qayta hisoblashlar orqali joyning iqlim ma'lumotlari **ESRI ArcGIS ArcMap** ilovasida alohida algoritmlar ketma ketligida qayta ishlandi. Bundan asosiy maqsad yaylovlarni monitoring qilinish davrida har bir faslda olingan ma'lumotlar tahlil qilinib, yaylovning o'rtacha vegetatsiya ko'rsatkichiga iqlimning ya'ni tuproq ustki qatlamining harorati asosida tahlil qilinadi. 2013 - yil fevral oyining so'nggi 10 kunligi na'muna sifatida tanlab olinib, yoz va kuz fasllarining ham aynan birinchi 10 kunligi va so'nggi 10 kunligi olingan. Bunda bahor faslining erta kelishi yoki qishning sovuq kunlari tugamasdan havo harorati keskin ko'tarilishi bilan farqlanadi.


Bunga ko'ra 2013 - yildan 2022 - yilgacha bo'lgan 3 fasldagi havo harorti o'rganilib quyidagicha ko'rsatkichlar olindi.

2019 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o'zaro bog'liqligi korelatsiyasi. Ya'ni 2019 - yilning iyul oyidagi ko'rsatkichi shuni ko'rsatadiki vegetatsiya indeksi 0.63 vegetatsion indeks hamda tuproq ustki havo harorati 36°C ni ko'rsatayapti. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak 2019 - yil yoz mavsumi uchun yaylovni o't bilan qoplanish darajasi yaxshi (1-rasm).




1-rasm. **2019 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o'zaro bog'liqligi korelatsiyasi.**

2020 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o'zaro bog'liqligi korelatsiyasi. Ya'ni 2020 - yilning iyul oyidagi ko'rsatkichi shuni ko'rsatadiki vegetatsiya indeksi 0.57 vegetatsion indeks hamda tuproq ustki havo harorati 39°C ni ko'rsatayapti. Xulosa qilib aytadigan bo'lsak 2020 - yil yoz mavsumi uchun yaylovni o't bilan qoplanish darajasi o'rtacha (2-rasm).





2 - rasm. **2020 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o'zaro bog'liqligi korelatsiyasi.**




ISSN 2181-0826 3/2024 y.

2021 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o‘zaro bog‘liqligi korelatsiyasi. Ya’ni 2021 - yilning iyul oyidagi ko‘rsatkichi shuni ko‘rsatadiki vegetatsiya indeksi 0.54 vegetatsion indeks hamda tuproq ustki havo harorati 52°C ni ko‘rsatayapti. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak 2021 - yil yoz mavsumi uchun yaylovdagi havo harorati keskin isishi sababli o‘t bilan qoplanish darajasi esa tarqoq ko‘rinishga kelib o‘rtachadan pastroq ekanligini ko‘rsatdi (3-rasm).



3 - rasm. **2021 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o‘zaro bog‘liqligi korelatsiyasi.**

2022 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o‘zaro bog‘liqligi korelatsiyasi. Ya’ni 2022 - yilning iyul oyidagi ko‘rsatkichi shuni ko‘rsatadiki vegetatsiya indeksi 0.57 vegetatsion indeks hamda tuproq ustki havo harorati 44°C ni ko‘rsatayapti. Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak 2022 - yil yoz mavsumi uchun yaylovni o‘t bilan qoplanish darajasi o‘rtacha ekanligini ko‘rsatdi (4-rasm).



4-rasm. **2022 - yil vegetatsiya indeksi va tuproq ustki haroratining o‘zaro bog‘liqligi korelatsiyasi**

1-jadval

**Masofadan zondlashda Landsat – 8 ma’lumotlarining 2013-2022 – yillar davomida olingan tuproq ustki qatlamining harorati tahliliy ma’lumotlari**

| № | Yillar kesimida olingan ma’lumotlar | Fasllar | | | Yerning ustki qismi harorati | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Qish | Yoz | Kuz | Qish | Yoz | Kuz |
| 1 | 2013 - yil | - | iyun - iyul | sentabr- oktabr | - | 36 | 41 |
| 2 | 2014 - yil | yanvar –fevral | iyun– iyul | sentabr- oktabr | 6 | 39 | 38 |
| 3 | 2015 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | 10 | 41 | 35 |
| 4 | 2016 - yil | yanvar – fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | 5 | 47 | 39 |
| 5 | 2017 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | -16 | 46 | 27 |
| 6 | 2018 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | -4 | 50 | 42 |
| 7 | 2019 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | 14 | 52 | 43 |
| 8 | 2020 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | -7 | 54 | 36 |
| 9 | 2021 - yil | yanvar –fevral | iyun – iyul | sentabr- oktabr | 3 | 50 | 44 |
| 10 | 2022 - yil | yanvar –fevral | iyun - iyul | sentabr- oktabr | -9 | - | - |

***Izoh:** tadqiqotlar davrida muallif tomonidan aniqlangan va hisoblangan ko‘rsatkichlar.*

**Xulosa, taklif va tavsiyalar.**

1. Masofadan zondlash ma'lumotlari asosida ishlangan yaylov xaritalar va ArcGIS dasturiy ta'minotida qayta hisoblangan kosmik sur'atlar dunyo standartlarga muvofiq keladi, bu esa ulardan ko'pgina amaliy sohalarda va qishloq xo'jaligi sohasidagi monitoring ishlarini tashkil etishda foydalanish imkoniyatini beradi.

2. Dala tadqiqot natijalari yordamida olingan ma'lumotlarni solishtirish va ArcGIS dasturiy ta'minoti yordamida masofadan zondlash amallari bajarilib, ArcMap, Arccatalog va ArcToolbox kabi umumiy arxitektura va interfeys bazaviy dasturlarida ma'lumotlar almashinuvi orqali ma'lumotlar birlashtirildi va ularning funksiyalari, geografik ishlov berish hamda fazoviy tahlil natijalarini aks etirildi.

3. Ilmiy izlanishlar natijasida ma'lumotlarini fazoviy tahlil qilish, geografik ishlov berish va masofadan zondlash uchun aniq foydalanish mexanizmi kengaytirilib foydalanishni ochib berildi.

4. O'zbekiston Respublikasi sharoitida tog' va tog' yaylov yerlari monitoringini o'tkazish, yaylov yerlarini muhofaza qilish hamda mavjud muammolarni o'z vaqtida aniqlashda yuqori aniqlikga ega bo'lgan elektron xaritalarni yerdan foydalanuvchilarga 7-10 metrli multispektral ma'lumotlar asosida foydalanish tavsiya etiladi.

5. Agrar soha samaradorligini oshirish uchun yaylovlarda masofadan zondlash tizimini ArcGIS > Raster algoritm > Satelite System > NDVI > LST > ModelBuilder > atributiv ketma-ketlik mexanizmi asosida monitoring ishlarini tashkil etish samarali hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**


1. Xakimov B.B. Masofadan zondlash orqali agrar va ijtimoiy sohalar samaradorligini oshirishda tog'oldi yaylovlaridan foydalanishni prognzolash tizimini takomillashtirish. // «Qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – Toshkent: – «O'zdavyerloyiha» DILI, 2023 - B. 89-94-b.

2. Xakimov B.B. Masofadan zondlash malumotlaridan foydalanish orqali yaylov va pichanzorlar hududini loyihalash. // «O'zbekiston zamini» ilmiy amaliy va innovatsion jurnali. – Toshkent: – «O'zdavyerloyiha»DILI, 2020. - № 2. - B. 83-84-b.

3. Xakimov B.B., M.I.Ruzmetov Yaylovlarda chorva mollarini almashlab boqishni tashkil etish. // «Agro kimyo himoya va o"simliklar karantini» ilmiy-amaliy jurnali. – Toshkent, – 2020. B. 101-103-b.

4. Tankadhar Behera, Nihar Ranjan Sahoo, Nirasindhu Desinayak, Suren Nayak, Sandeep Narayan Kundu. // Bivariate analysis of lst and ndvi of odisha using modisdata. - https://www.researchgate.net/publication/381806231.

5. Ro'zmetov M.I., Turayev R.A. // O'zbekistonning tabiiy yaylov va pichanzorlarida geobotanik tadqiqotlar o'tkazish bo'yicha uslubiy qo'llanma. – Toshkent, Turon-Iqbol, 2018. 157-b.

6. Subhanil Guha, Himanshu Govil. // An assessment on the relationship between land surface temperature and normalized difference vegetation index. - 19 February 2020, Published online Springer Nature B.V.

7. https://crop-monitoring.eos.com/.

8. https://earth.google.com/web/.

9. https://earthexplorer.usgs.gov/ .

# EROZİYAGA UCHRAGAN TUPROQLARNING MURAKKAB RELEFLARDA QIYALIKNI AHAMIYATI

***Igamberdiyeva Dilfuza Alimovna,****
*3 - bosqich tayanch doktorant.*
***Xakberdiyev Obid Eshniyozovich,*****
*kafedra mudiri, b.f.n., dos.*
*e-mail: obid_xakberdiev@mail.ru*

**Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti*
***"TIQXMMI" Milliy tadqiqot universiteti*

***Annotasiya.*** Ushbu maqolada eroziyaga uchragan tuproqlarning releflarda qiyaliklarning tafsilotlari bo'yicha ma'lymotlar keltirilgan. Hududda eroziya jarayonlarini boshlanganligi natijasida, tuproq yuzasidan kichik zarrachalar yuvilishi va ularni pastki qismlarga to'planishi va u yerda kechayotgan jarayonni o'zgartirgan. Sug'orishdan keyin hosil bo'lgan jo'yaklarning bo'ylama profilida o'zgarishlarni sodir qiladi. Katta yonbag'irlarda sug'oriladigan dalalarda tuproq eroziyasining rivojlanishining bunday holati, jo'yakning oxirgi qismiga 10 m masofa qolganda, suv oqimining tezligi va qiyalikning pasayishi bilan izohlanadi, bu esa cho'kindilarni ushlab turishga yordam beradi hamda jo'yakni oxirgi qismi tekislanadi.

***Kalit so'zlar:*** tuproq, eroziya, suv, relef, qiyalik, kichik zarrachalar, sug'orish, yonbag'irlar, profil, suv oqimining tezligi.

***Аннотация.*** В статье приведены сведения о деталях уклонов в рельефах эродированных почв. В результате возникновения эрозионных процессов на участке мелкие частицы смываются с поверхности почвы и скапливаются в нижних частях, что повлияло на текущие процессы и способствует к изменению на продольный профиль зерен, образующихся после полива. Такая ситуация развития эрозионных процессов на орошаемых полях и на больших уклонах объясняется уменьшением скорости потока воды и уклона на расстоянии 10 м от конца борозды, что способствует задержанию наносов и выравнивает конец борозды.

***Ключевые слова:*** почва, эрозия, вода, рельеф, уклон, мелкие частицы, орошение, уклоны, профиль, расход воды.

***Annotation.*** This article provides information on the details of slopes in reliefs of eroded soils. As a result of the initiation of erosion processes in the area, small particles are washed from the surface of the soil and accumulate in the lower parts, changing the current processes there. Makes changes in the longitudinal profile of the kernels formed after watering. This situation of soil erosion development in irrigated fields on large slopes is explained by the decrease in the velocity and slope of the water flow at a distance of 10 m from the end of the furrow, which helps to retain sediments and flattens the end of the furrow.


***Key words:*** soil, erosion, water, relief, slope, small particles, irrigation, slopes, profile, water flow rate.

**Kirish.** Tog'oldi va tog'li hududlarda sug'oriladigan yerlarning 70% ga yaqini 2° dan, ayrim hollarda esa 10° dan ortiq qiyaliklarga ega. Bu yerda irrigatsiya eroziyasi juda keng tarqalgan bo'lib, asosan sug'orish texnikasi va texnologiyasiga rioya qilmaslik natijasida yuzaga keladi. Sug'orish eroziyasi paydo bo'lishining asosiy sababi sug'orish texnologiyasining ortiqcha baholangan elementlari, yer relefiga mos kelmaydigan va eskirgan sug'orish uskunalari (sug'orish vositalari) bilan sug'orishdir. Shunday qilib, irrigatsiya (sug'orish) eroziyasi kechayotgan tog'oldi hududlarida va boshqa fermer xo'jaliklarida suv tasirida yemirilish hisobiga jo'yaklar tubida 10 – 15 sm gacha chuqurliklar paydo bo'ladi.


Bu hududlarda yer usti yonbag'irlaridagi qiyalik darajalari «kritik» me'yordan kattaroq bo'lib, sug'orish oqimi tavsiya etilgan qiymatlardan oshib ketganda, sug'orish tuproq eroziyasi juda tez sodir bo'ladi.

Sug‘orishdan keyingi ishlov berish va tuproq eroziyasi natijasida qiyalik yoki jo‘yak uzunligi bo‘ylab eroziya va akkymulyativium zonalari paydo bo‘ladi. Sug‘orish eroziyasi natijasida dalaning bosh (yuqori) qismida bosqichma-bosqich yemirilish va nishabning pastki qismida tuproq yotqiziqlarning yig‘ilishi (yuvilib to‘plangan tuproqlar) kuzatiladi. Yuzaning uzunligi bo‘ylab sirtning qiyaligi o‘zgaradi, namlikning bir xilligi va sug‘orish sifati yomonlashadi va yangi uzunlama profil hosil bo‘ladi (1-rasm).

Chuqurliklar bo‘ylab sug‘orishda tuproqning yuvilishi, birinchi navbatda, sug‘orish jo‘yaklari katta yonbag‘irlarga ega bo‘lgan joylarda, allyuviy esa kichik yon bag‘irlarda uchraydi.




**1-rasm. Sug‘orishdan keyin hosil bo‘lgan jo‘yakning bo‘ylama profili (i = 0,04)**




**2-rasm. Optimal bo‘ylama jo‘yak profili**

Katta yonbag‘irlarda sug‘oriladigan tuproq eroziyasining rivojlanishining bunday holati, jo‘yakning oxirgi qismiga 10 m masofa qolganda, suv oqimining tezligi va qiyalikning pasayishi bilan izohlanadi. Bu esa cho‘kindilarni ushlab turishga yordam beradi hamda jo‘yakni oxirgi qismi tekislanadi.

Tuproqni sug‘orish eroziyasidan maksimal darajada himoya qilish va sug‘orish paytida namlikning bir xilligini ta’minlash uchun yotqiziqlar yig‘iladigan zonasining bo‘ylama yonbag‘irlarini qisqartirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Bunday jo‘yak profilini jo‘yak boshida maksimal oqim tezligi (2,0 l/s gacha) va uning oxirida minimal (0,4 l/s gacha) i max/i min nisbati bilan ≤ 7...9 l/s sug‘orish maydonlarini loyihalash uchun tavsiya etiladi (2-rasm).

Ko‘pincha tog‘ etaklari zonasida yon bag‘irlarida qabul qilinishi mumkin bo‘lmagan o‘zgarishlarga ega bo‘lgan jo‘yaklarning harakterli bo‘ylama profillari topiladi.

Nishablari 0,03 dan ortiq bo‘lgan bo‘ylama profillar va oqim tezligi q = 0,35 ... 2,0 l/s bilan yemirilgan tuproq qatlami sezilarli darajada oshadi. Jo‘yaklarning yuqori qismlarida pastki qismi nisbatan 5...8 sm, yon bag‘irlari esa 2...6 sm gacha eroziyalanadi. Pastki hududlarda cho‘kindi cho‘kmasi taxminan 10 sm ga yetadi. Shu bilan birga, 35 m uzunlikdagi sug‘orish oqimining tezligi 12,5 minut vaqti tashkil etadi, bu esa hisoblangan sug‘orish tezligini o‘zlashtirish uchun etarli emas.

Uzumzorlarni sug‘orish jarayonida tuproq eroziyasining intensiv jarayoni sodir bo‘ladi va shu bilan birga fermer


ISSN 2181-0826 3/2024 y.

xo‘jaliklarida bog‘ va tokzorlarning hosildorligiga tuproq unumdorligining pasayishi ta’sirini kuzatamiz. Nishablari 0,03 dan yuqori bo‘lgan joylarda tuproq eroziyasining ta’sirini vizual tarzda ko‘rish mumkin. U kichik yonbag‘irlardan, sug‘oriladigan maydonlar chegaralarida tugaydigan jo‘yaklarning so‘nggi qismlarida, katta yonbag‘irlarda esa - jo‘yaklarning bosh qismida ko‘tariladi.

Shuning uchun (deyarli barcha jo‘yakli sug‘orish holatlarida) dalaning boshlang‘ich qismida 10...40 m uzunlikdagi chuqur eroziya faqat jo‘yakning pastki qismining tubida sodir bo‘lishi bilan kuchli sug‘orish eroziyasi kuzatiladi va ular bosh qismidan uzoqlashganda, 30...70 m uzunlikga borganda ular jo‘yakning yonbag‘irlari bilan yemirilish jarayoni ortadi. Dalaning oxirigacha 10...30 m masofa qolganda cho‘kindi yotqiziqlar cho‘kmaga tushadi, yig‘ila boshlaydi va jo‘yakning yuqori qismlari tekislanadi.

Bunday holat sug‘orish suvini oqizmasdan tashkil etilganda kuzatiladi, bu murakkab relefli katta yon bag‘irlarida sug‘orishda odatiy holdir. Oqim bilan sug‘orishni tashkil qilishda ma’lum bir hududda yetishmayotgan suvning katta qismi o‘simlik uchun foydali bo‘lgan ozuqa moddalari bilan birga chiqariladi.

Shunday qilib, mavjud sug‘orish texnologiyasi bilan bitta sug‘orish uchun qattiq zarrachalar bilan oqizish hajmi har bir jo‘yak uchun 0,23 dan 25,3 $m^3$ gacha va mavsum uchun (3 ta sug‘orish bilan) - 53 dan 60 $m^3$ / ga gacha (o‘lchamiga qarab jo‘yakga beriladigan sug‘orish oqimi). Uzumzorlarni sug‘orish darajasi 3800 $m^3$ / ga bo‘lganda, olingan suvning deyarli 60% cho‘kindi xarajatlarga, ya’ni foydali qattiq zarralar bilan cho‘kindilarni chiqarishga ketadi.

Agar oqova suvning o‘rtacha loyqaligi 40-140 g/l deb qabul qilsak, undan qattiq oqim (loyqa) 220 dan 590 tonnagacha bo‘ladi, bu tuproq yuvilishining ruxsat etilgan miqdoridan 50 baravar ko‘pdir. Suv o‘tkazuvchanligi past va yon bag‘irlari katta bo‘lgan og‘ir mexanik tarkibli tuproqlarda sug‘orish oqimi (0,8-1,5 l/s) 100 metrlik jo‘yakning oxiriga 15...40 minutda yetib boradi, so‘ngra tuproq zarralari (cho‘kindi) bilan birga oqiziladi. Sug‘orish muddatini ko‘paytirish orqali sug‘orish suvining yo‘qotishlari ortadi, sug‘orish eroziyasining intensivligi oshadi.

Sug‘orish eroziyasining rivojlanish natijasida tuproq namligi ham jo‘yak uzunligi bo‘ylab tarqaladi. Lekin teskari ta’sir bilan, ya’ni maksimal namlik bo‘lgan hududda eroziya jarayoni ham sekinlashadi.

Jo‘yaklarning boshi va oxiri o‘rtasidagi katta tafovutni tog‘oldi hududlarida sug‘orish texnikasi va texnologiyasi standart parametrlarga mos kelmasligi va sug‘orish texnikasi elementlarini aniqlashtirishni talab qilishi, ya’ni ularni sug‘orish texnikasi bilan bog‘liq holda olish zarurligi bilan izohlash mumkin, faqat sug‘orishni tuproq eroziyasining ruxsat etilgan miqdorini hisobga olgan holda. Shuning uchun, nishabli yerlarni sug‘orishda, yetkazib beriladigan sug‘orish oqimining o‘lchamiga qat’iy rioya qilish juda muhimdir. Shu bilan birga, sug‘orish eroziyasini oldini olish uchun yanada samarali sug‘orish texnologiyasidan foydalanish kerak. Misol uchun: suv oqimlarini o‘lchash, bu to‘g‘ridan-to‘g‘ri dalada sug‘orish uchun beriladigan suvning oqim tezligi va hajmini aniqlash imkonini beradi holos.

1-jadval

**Sug‘orish oqimining Đ = 0,03 va L = 100 m da jo‘yakning ko‘ndalang kesimi ($sm^2$) va yuvish qatlami (mm) ning eroziyasiga ta’siri.**

| Jo‘yakni joylashishi | Oqim tezligi (q), л/c | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,6 | 0,8 | 1,2 | 1,5 | 2,0 |
| Boshlanishi (Ł=10м) ($см^2$) | 12,12 | 26,1 | 29,12 | 53,4 | 60,02 | 67,02 | 88,9 | 106,9 |
| O‘rta qismi (Ł=50м) ($см^2$) | 8,6 | 6,0 | 10,5 | 20,8 | 12,5 | 36,1 | 49,2 | 126,5 |

| Jo‘yakni joylashishi | Oqim tezligi (q), л/с | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 0,1 | 0,2 | 0,4 | 0,6 | 0,8 | 1,2 | 1,5 | 2,0 |
| Oxiri (Ł=75м) (см²) | -1,7 | -3,0 | -2,2 | 8,7 | 26,32 | 31,22 | 38,4 | 116,5 |
| Tuproqni yovilishi (мм) | 0,3 | 0,48 | 0,61 | 1,08 | 1,65 | 2,15 | 3,81 | 7,12 |

Jo‘yaklarning kesimlaridagi (bo‘laklarida) o‘zgarishlar barcha hollarda birinchi boshlang‘ich qismi, boshqalardan farqli o‘laroq, ko‘proq deformatsiyalanganligini ko‘rsatadi. Jo‘yakning birinchi qismida o‘rtacha yuvilish qatlami 1 mm dan 10 mm gacha. Birinchi qismdan 50-60 m masofada joylashgan ikkinchi qismiga kelib, tuproq eroziyasi barqarorlashdi va deyarli to‘xtaydi, ba’zi hollarda cho‘kindilarning to‘planishi kuzatiladi. 75...85 m masofada joylashgan dalaning oxirgi qismida qoida tariqasida, biz cho‘kindi cho‘kmasini kuzatamiz.

Fermer xo‘jaliklarida olib borilgan dala tadqiqotlarimizda sug‘orish oqimini oqizmasdan o‘tkazish orqali amalga oshirildi. Jo‘yaklarning ko‘ndalang kesimlaridagi deformatsiya uchragan qisimlari jo‘yakning boshida va oxirida cho‘kindi cho‘kishi eroziya xarakterini aks ettiradi. Mavjud sug‘orish texnologiyasi bilan bu jarayon kuzatilmaydi, ya’ni to‘plangan cho‘kmalar sug‘orish maydonidan tashqariga chiqib ketadi. Shu nuqtai nazardan, sug‘orish eroziyasini kamaytirish uchun, oqova suvlarni oqizmasdan sug‘orish texnologiyasini ishlab chiqishda katta ahamiyatga ega.

Katta qiyaliklarda tuproq eroziyasining tarqalishini hisobga olgan holda sug‘orish fondini tahlil qilib, quyidagi xulosaga keldik:

1. Respublikada ko‘p yillik o‘simliklarni sug‘orishning asosiy usuli jo‘yak hisoblanadi. Shu bilan birga, sug‘orish texnologiyasi bo‘yicha standartlar mavjud emas, bu sug‘orish esa tuproq eroziyasini keltirib chiqaradi. Shuning uchun bu yerda sug‘orish tuproq eroziyasini va uning oldini olish chora-tadbirlarini hisobga olgan holda jo‘yak bilan sug‘orish texnikasi va texnologiyasi bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqish asosiy vazifa bo‘lishi kerak.

2. O‘rganilayotgan hududdagi mavjud sug‘orish texnikasi eski bo‘lib, sug‘orishni mexanizatsiyalash va avtomatlashtirishning zamonaviy shartlariga javob bermaydi. Shu nuqtai nazardan, releflari murakkab va qiyaliklari katta bo‘lgan ushbu hudud uchun sug‘orish suvini oqilona taqsimlash va yer resurslaridan foydalanish uchun tomchilatib sug‘orish va boshqa qurilmalarni eng mos deb bilamiz.

3. Viloyatda sug‘orishning progressiv usullarini joriy etish sur’ati yetarli darajada emas. Sug‘orishning yangi usullarini joriy etish moddiy-energetika, texnik, mehnat va moliyaviy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirishga yordam beradi, bu esa qishloq xo‘jaligi mahsulotlari yetishtirishni yanada oshirish, tuproq unumdorligini oshirish va ekinlardan barqaror hosil olish imkonini beradi.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:


1. Zaslavsky M.N. Erosion management. – M.: High School, 1983.
2. Kuznetsov MS, Glazunov G.P. - Erosion and soil protection, Moscow State University, – M.: 1996.
3. Sukhanova N.I., Zubkova T.A. State of organic matter and particularities of physicochemical properties of soils in the endogenous hydrogen seepage zones // Open Journal of Soil Science, 2018. № 8, – c. – 186-196
4. Wander M. Soil Organic Matter Fractions and Their Relevance to Soil Function // Soil organic matter in sustainable agriculture. Eds. F.Magdoff, R.R.Weil. Boca Raton etc: CRC Press, 2004. – P. – 67-102.

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН БЎЗ - ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

***Ниязметов Умидбек Худайберганович,***
*қ.х.ф.н., бўлим бошлиғи,*
*e-mail: u_niyazmetov@mail.ru*

***Бобомуродов Шуҳрат Меҳрибонович,***
*биология фанлари доктори, директор,*
*e-mail: shuhrat_bm@inbox.ru*

*Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти*

***Аннотация.*** Ушбу мақолада Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви суғориладиган бўз - ўтлоқи тупроқларининг ҳозирги ҳолати ва уни яхшилаш йўллари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

***Калит сўзлар:*** суғориладиган бўз - ўтлоқи тупроқлар, тупроқ механик таркиби, гумус, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий.

***Аннотация.*** В данной статье представлены сведения о современном состоянии орошаемых сероземно - луговых почв Маликского массива Сырдарьинского района Сырдарьинской области и путях его улучшения.

***Ключевые слова:*** орошаемые сероземно - луговые почвы, механический состав почвы, гумус, подвижный фосфор, обменный калий.

***Annotation.*** This article presents information on the current state of irrigated serozem - meadow soils of the Malik massif of the Syrdarya district of the Syrdarya region and ways to improve it.

***Key words:*** irrigated serozem - meadow, mechanical composition of soil, humus, mobile phosphorus, exchangeable potassium.

Бугунги кунда тупроқшунос олимлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кенг қўламли изланишлар олиб борилмоқда [1].

Сирдарё вилояти Мирзачўлнинг шарқий қисмида жойлашган тоғ олди текислигидан иборат бўлиб, унинг қиялиги шимол, шимолий-ғарбга томон чўзилиб, шимолда Сирдарё дарёси, ғарбда Қизилқум чўли ва жанубда Туркистон тоғ тизмалари билан чегараланган [2].

Сирдарё вилоятининг текислик қисми жанубий - шарқий бурчакдан бошланиб, Қизилқум чўллари томон чўзилган, ўртадаги вилоят ҳудуди ерлари қатор ўзансифат чўкма ва ботиқларга бўлинган бўлиб, В.А. Ковда томонидан олиб борилган тадқиқотларда ушбу чўкмаларнинг барчаси Сирдарёни Фарҳод дарвозасидан чиқиш жойи яқинидан бошланиши ҳамда шу ердан Шўрўзак чўкмаси шимолий - ғарбга, Сардоба ва Жетти-сой чўкмалари ғарбий ва шимолий - ғарбга ҳамда Агача чўкмаси ғарбга ажралиб кетганлиги таъкидланган. Сирдарё вилояти геоморфологиясини В.А. Ковда учта қисмга, яъни субареал дельта, лёссли Мирзачўл ҳамда замонавий Сирдарё водийсига ажратган [3].

М.А. Панков Сирдарё вилоятининг деҳқончилик фаолияти Мирзачўлни марказий қисми билан боғланмаганлигини таъкидлаб, балки унинг

генезисини Нурота тоғлари ва Туркистон тоғ тизмасидан келган ётқизиқларни кўл - аллювиал - проллювиал жинслари ташкил этади. Шунингдек, Сирдарё вилоятининг замонавий водийси Мирзачўл террасаларида лёсс ётқизиқлари пайдо бўлгандан сўнг шаклланган ва бу ерни эпейроген кўтарилишлари ва террасаларида ётган аллювийларни тўпланишлари билан боғлиқ деб ҳисоблаган [4].

**Тадқиқот объекти ва услублари**

Тупроқ - дала тадқиқотлари ўтказиладиган ҳудуд сифатида Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви танлаб олинди. Тупроқ - тадқиқот ишлари услубиёти асосини лаборатория-таҳлил ва камерал ишлар, Ўзбекистон Пахтачилик илмий текшириш институти (ЎзПИТИ) ва Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган ҳамда умумқабул қилинган услубиётлар асосида амалга оширилди [5, 6]. Тадқиқот ишларида асосан картографик материаллар (харита-асослар, хўжаликлар ер тузиш тархлари, тупроқ харитаси, топографик хариталар) дан фойдаланилди.

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви ҳудудидаги геоморфологик, литологик, гидрогеологик ва иқлим шароитларининг ўзаро таъсири, ҳудудда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларининг турли йўналишларини содир этган бўлиб, ҳудуднинг асосий қисмидаги суғориладиган ерларда бўз - ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Тупроқнинг механик таркиби ўзида сув ушлаш ва пастки қатламлардан сув кўтариш қобилияти ҳамда сув ўтказувчанлигига бевосита боғлиқ бўлиб, унинг физикавий, физик-кимёвий, кимёвий, агрокимёвий, биологик ва бошқа хоссаларига таъсир кўрсатади. Шунингдек, тупроқнинг механик таркибига иссиқлик хоссалари ва ҳарорат режими, физик-механик ҳусусиятлари, ишлов бериш вақтидаги қишлоқ хўжалиги техникаларига кўрсатадиган солиштирма қаршилиги, экиш-га етилиш муддатлари, ёпишқоқлиги, бўкиш ва чўкиш ҳолатлари ҳам боғлиқ бўлади.

Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массивининг бўз - ўтлоқи тупроқлари оғир, ўрта ва енгил қумоқли механик таркиблардан иборат бўлиб, айрим кесмалар тупроқ профилининг пастки қатламларида қумлоқ механик таркибли қатламлар билан алмашади (1-жадвал). Олиб борилган тадқиқотлар (Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массивидан олинган 10, 85, 191 ва 240-кесмалар) майдонларнинг тупроқларидаги физик лой (<0,01 мм) заррачаларнинг миқдори кенг оралиқда тебраниб, енгил қумоқларда 24,9-29,9 %, ўрта қумоқларда – 30,4-43,8 % ва оғир қумоқларда 49,3-54,1 % ни ташкил этади, ил (<0,001 мм) фракциялари 2,9 % дан 16,7 % гача бўлган миқдорда қайд қилинди.

Ўрганилган Малик массиви тупроқлари профилининг 108-176 см ли қатламида физик лой миқдори 24,9-54,1 %, ил фракцияси кўрсатгичлари 2,9-16,7% ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

**Сирдарё вилояти Сирдарё тумани Малик массиви тупроқларининг механик таркиби**

| Кесма рақами | Чуқурлик см. | Заррачалар ўлчами мм., миқдори % да. | | | | | | | Физик лой, % | Тупроқ механик таркиби |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қум | | | чанг | | | ил | | |
| | | >0,25 | 0,25-0,1 | 0,1-0,05 | 0,05-0,01 | 0,01-0,005 | 0,005-0,001 | <0,001 | <0,01 | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

| Кесма рақами | Чуқурлик см. | Заррачалар ўлчами мм., миқдори % да. | | | | | | | Физик лой, % | Тупроқ механик таркиби |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қум | | | чанг | | | ил | | |
| | | >0,25 | 0,25-0,1 | 0,1-0,05 | 0,05-0,01 | 0,01-0,005 | 0,005-0,001 | <0,001 | <0,01 | |
| 10 | 0-34 | 2,6 | 2,2 | 12,5 | 28,6 | 18,3 | 21,5 | 14,3 | 54,1 | оғир қумоқ |
| | 34-46 | 3,0 | 3,0 | 12,9 | 31,8 | 16,7 | 15,9 | 16,7 | 49,3 | оғир қумоқ |
| | 46-78 | 1,9 | 4,5 | 12,1 | 37,7 | 14,2 | 18,1 | 11,5 | 43,8 | ўрта қумоқ |
| | 78-130 | 2,7 | 2,9 | 13,2 | 33,5 | 13,4 | 19,8 | 14,5 | 47,7 | оғир қумоқ |
| | 130-176 | 1,5 | 2,3 | 17,5 | 38,2 | 15,9 | 18,2 | 6,4 | 40,5 | ўрта қумоқ |
| 85 | 0-26 | 3,6 | 0,9 | 16,6 | 54,0 | 9,9 | 9,9 | 5,1 | 24,9 | енгил қумоқ |
| | 26-46 | 1,6 | 0,4 | 18,0 | 51,4 | 12,5 | 13,2 | 2,9 | 28,6 | енгил қумоқ |
| | 46-86 | 2,4 | 0,6 | 18,5 | 53,6 | 9,1 | 9,9 | 5,9 | 24,9 | енгил қумоқ |
| | 86-108 | 2,0 | 0,5 | 14,6 | 52,5 | 12,6 | 12,4 | 5,4 | 30,4 | ўрта қумоқ |
| | 108-137 | 2,4 | 0,6 | 10,8 | 53,9 | 9,7 | 14,1 | 8,5 | 32,3 | ўрта қумоқ |
| 191 | 0-21 | 4,5 | 23,7 | 19,5 | 13,5 | 12,7 | 13,4 | 12,7 | 39,0 | ўрта қумоқ |
| | 21-48 | 5,0 | 25,0 | 15,9 | 15,9 | 14,3 | 12,8 | 11,1 | 38,2 | ўрта қумоқ |
| | 48-89 | 4,5 | 19,5 | 26,2 | 19,9 | 8,7 | 11,7 | 9,5 | 29,9 | енгил қумоқ |
| | 89-111 | 5,5 | 13,7 | 25,3 | 26,8 | 5,8 | 11,7 | 11,2 | 28,7 | енгил қумоқ |
| | 111-136 | 6,0 | 15,3 | 27,2 | 31,6 | 3,3 | 9,8 | 6,8 | 19,9 | қумлоқ |
| 240 | 0-33 | 1,5 | 1,3 | 20,1 | 40,5 | 16,7 | 11,9 | 8,0 | 36,6 | ўрта қумоқ |
| | 33-48 | 2,0 | 1,5 | 17,8 | 39,8 | 15,9 | 13,5 | 9,5 | 39,0 | ўрта қумоқ |
| | 48-80 | 1,7 | 6,3 | 19,5 | 37,4 | 15,5 | 11,6 | 8,0 | 35,1 | ўрта қумоқ |
| | 80-103 | 2,5 | 7,0 | 19,7 | 39,8 | 15,1 | 7,2 | 8,7 | 31,0 | ўрта қумоқ |
| | 103-130 | 0,8 | 0,2 | 23,6 | 46,3 | 11,5 | 12,2 | 5,4 | 29,1 | енгил қумоқ |

Суғориладиган ерларда гумусни ҳосил бўлиши ва углероднинг органик шаклда тупроқда тўпланишининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири – бу тупроқдаги гумус миқдори ҳамда унинг захиралари ҳисобланиб, сўнгги йилларда тупроқлар биосферасининг компоненти сифатида экологик турғунлиги ва чидамлилигини белгилаб берувчи кўрсаткич сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Гумус тупроқда содир бўладиган хилма-хил биокимёвий ва кимёвий жараёнларни ҳамда агро-ландшафтларда моддалар алмашиши ва айланиши учун зарур бўлган энергия манбаидир. Шу сабабли биосферага антропоген таъсирлар кучаяётган шароитларда тупроқ орга-ник моддасини, тупроқ қопламининг ажралмас компоненти сифатидаги функцияларини ўсимликлар, ҳайвонот

дунёси ва микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи, тупроқ унумдорлигини сақловчи ва умуман экотизимларнинг турғунлигини таъминловчи компонент сифатида ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш учун энг аввало, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, тупроқни гумуснинг мақбул меъёрлари билан таъминлаш, унинг тупроқдаги ижобий балансини шакллантириш талаб этилади. Ушбу натижаларга эришиш учун, аввалambор тупроққа етарли миқдорда органик ўғитлар киритиш ҳамда минерал ўғитлардан меъёрида фойдаланиш, алмашлаб ва навбатлаб экишни, шунингдек, тупроққа ишлов бериш, суғориш режимларига амал қилиш каби агротехник тадбирларни ўз вақтида ва маромида ўтказилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерлари тупроқларининг озиқа элементлари билан таъминланганлик даражасини аниқлашда ҳамда улар таркибидаги гумус миқдорини ўрганиш энг асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Малик массиви ҳудудида қўйилган 10, 85, 191 ва 240 - кесмалар тупроқлари ҳайдалма қатламларидаги гумус миқдори 0,550-0,726 % оралиғида тебраниб, гумус билан кам (0,5-1,0 %) таъминланган гуруҳларни ташкил этади. Агрокимёвий маълумотлар таҳлилига кўра, Сирдарё тумани Малик массиви бўз - ўтлоқи тупроқлар ҳайдалма қатламидаги алмашинувчи калий жуда кам ва ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳларини ташкил этади.

2-жадвал

**Сирдарё вилояти суғориладиган тупроқларидаги гумус ва асосий озиқа элементлари миқдори**

| Кесма рақами | Чуқурлик, см | Гумус, % | Умумий, % | | | Ҳаракатчан, мг/кг | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Азот | Фосфор | Калий | $P_2O_5$ | $K_2O$ |
| 10 | 0-34 | 0,660 | 0,042 | 0,207 | 1,190 | 13,1 | 208 |
| | 34-46 | 0,543 | 0,040 | 0,17 | 0,979 | 7,8 | 144 |
| | 46-78 | 0,425 | 0,033 | 0,133 | 0,766 | 5,3 | 115 |
| | 78-130 | 0,286 | 0,023 | 0,09 | 0,516 | 3,9 | 92 |
| | 130-176 | 0,234 | 0,019 | 0,073 | 0,422 | 3,3 | 76 |
| | 176-195 | 0,197 | 0,016 | 0,062 | 0,355 | 3,4 | 71 |
| 85 | 0-26 | 0,704 | 0,044 | 0,221 | 1,269 | 12,2 | 206 |
| | 26-46 | 0,642 | 0,043 | 0,201 | 1,158 | 6,9 | 150 |
| | 46-86 | 0,512 | 0,035 | 0,161 | 0,923 | 4,6 | 121 |
| | 86-108 | 0,384 | 0,027 | 0,12 | 0,692 | 3,4 | 88 |
| | 108-137 | 0,302 | 0,022 | 0,095 | 0,545 | 2,8 | 61 |
| | 137-172 | 0,209 | 0,016 | 0,066 | 0,377 | 3,0 | 54 |
| 191 | 0-21 | 0,726 | 0,043 | 0,228 | 1,309 | 9,7 | 100 |
| | 21-48 | 0,594 | 0,039 | 0,186 | 1,071 | 5,7 | 70 |
| | 48-89 | 0,388 | 0,026 | 0,122 | 0,700 | 4,2 | 50 |
| | 89-111 | 0,297 | 0,021 | 0,093 | 0,536 | 2,8 | 37 |
| | 111-136 | 0,232 | 0,017 | 0,073 | 0,418 | 2,1 | 30 |
| | 136-176 | 0,189 | 0,014 | 0,059 | 0,341 | 2,0 | 27 |



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

| Кесма рақами | Чуқурлик, см | Гумус, % | Умумий, % | | | Ҳаракатчан, мг/кг | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Азот | Фосфор | Калий | $P_2O_5$ | $K_2O$ |
| 240 | 0-33 | 0,550 | 0,037 | 0,173 | 0,992 | 14,2 | 218 |
| | 33-48 | 0,427 | 0,030 | 0,134 | 0,770 | 9,3 | 151 |
| | 48-80 | 0,315 | 0,023 | 0,099 | 0,568 | 6,8 | 106 |
| | 80-103 | 0,264 | 0,019 | 0,083 | 0,476 | 5,9 | 72 |
| | 103-130 | 0,191 | 0,015 | 0,060 | 0,344 | 3,7 | 53 |
| | 130-167 | 0,176 | 0,014 | 0,055 | 0,317 | 3,4 | 49 |

Ҳайдалма ости қатламларидаги гумус миқдори айрим кесмаларни ҳисобга олмаганда, сезиларли даражада камайиб, 0,427-0,642 % кўрсаткичларида қайд этилади, пастки қатламларга қараб янада камайиб боради. Суғориладиган бўз - ўтлоқи тупроқларни тавсифловчи айрим кесмаларда гумуснинг 0,427-0,726 % оралиғидаги нисбатан юқори миқдорлари 46-48 см чуқурликгача сақланиб қолганлиги кузатилади (2-жадвал). Ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддалар таъминотини белгиловчи асосий омиллар қаторига табиий шароитларда азот, фосфор ва калий элементлари бирикмаларининг тупроқлардаги ялпи миқдори ҳамда уларнинг турли жараёнлар таъсирида парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган, ўсимликлар ўзлаштира оладиган шакллари миқдори тупроқларнинг унумдорлик даражасини белгилайди.

Гумус миқдори тупроқ таркибидаги биофил элементлар миқдорига тўғридан-тўғри таъсир этиб, биофил элементлар қаторида асосий озиқа элементлари сифатида эътироф этилган элементлар азот, фосфор ва калий ҳисобланади.

Азот биофил элементлардан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Тупроқларда азот захиралари органик бирикмалар (оқсиллар азоти, нуклеин кислоталар ва улар парчаланиши маҳсулотлари, ҳайвонот олами ва ўсимлик қолдиқларининг тўлиқ парчаланмаган қолдиқлари) ва минерал бирикмалар (аммоний тузлари ва нитратлар) шаклида тўпланган.

Сирдарё вилоятида ўрганилган суғориладиган тупроқларнинг ҳайдов қатламидаги ялпи азот миқдори 0,065-0,086 % оралиғида тебраниб, тупроқ кесмаси бўйлаб пастга томон камайиб боради. Ўрганилган тупроқлардаги азот миқдорининг улардаги гумус миқдорига боғлиқлиги кузатилади. Фосфор энг муҳим биоген элементлар қаторига киради. Тупроқнинг органик қисмида фосфор асосан фосфолипидлар, инозитолфосфатлар ва нуклеин кислоталар, фосфопротеинлар, сахарофосфатлар, фосфорланган карбон кислоталар шаклида бўлади. Органик фосфор минерализацияга (парчаланишга) учрагандан кейингина, уни ўсимликлар ўзлаштира олади. Фосфорнинг минерал бирикмалари эса, тупроқда асосан қийин эрувчан ва ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган алюминий, темир бирикмалари ва кальций уч фосфатлар $Ca_3(PO_4)_2$ шаклида учрайди. Фосфорнинг минерал ва органик бирикмалари ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклга жуда катта қийинчилик билан ўтади, шу сабабли тупроқларда уларнинг умумий миқдори кўп бўлишига

қарамасдан, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун фосфорли ўғитлар қўллаш зарур бўлади.

Малик массиви суғориладиган тупроқларининг ҳайдалма қатламида умумий фосфор миқдори 0,173-0,228 % ни ташкил этади.

Сирдарё вилоятининг ўрганилган суғориладиган тупроқларининг ҳайдалма қатламида умумий калий миқдори кўп эмас (0,992-1,309 %). Вилоятда ўрганилган суғориладиган тупроқлар калий миқдори бўйича катта фарқни ташкил этмайди, алмашинувчи калий миқдори бўйича жуда кам (>100 мг/кг) ва ўртача (200-300 мг/кг) таъминланган тупроқлар тоифасига киради.

Хулоса. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган ҳудуд тупроқларининг механик таркиби уларни пайдо қилувчи она жинслар характерига боғлиқ бўлиб, асосан енгил, ўрта ва оғир қумоқ тупроқлардан иборат.

Ҳайдалма қатламдаги чанг заррачаларининг (0,05 - 0,001 мм) миқдори (68,4 - 73,8 %) айрим ҳолларда етакчи ўринни эгаллаган бўлса, айримларида қум заррачалари (>0,05) кўп миқдорда эканлиги кузатилди. Ҳайдалма қатламлардаги гумус миқдори 0,550 - 0,726% оралиғида тебраниб, ҳаракатчан фосфор (9,7 - 14,2 мг/кг) жуда кам ҳамда алмашинувчи калий (100 - 218 мг/кг) миқдорига кўра жуда кам ва ўртача таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», Давлат илмий нашриёти, – Тошкент, -2003. – 407 б.

3. Ковда В.А. Грунтовые воды Голодной степи // Тр. Почвенного института им. В.В Докучаева. – М. Л.: т. 29, - 1948. – С. – 43-77.

4. Панков М.А. Почвы Голодной степи // В сб. «Голодная степь», Изд. АН УзССР, Матер. по произ. силам Уз-на. – Ташкент, 1957.

5. Қўзиев Р.Қ. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. – Тошкент, 2013. – 52 б.

6. Методические указания по бонитировке орошаемых почв Республики Узбекистан (коллектив авторов). Нормативные акты по землепользованию, землеустройстве и земельному кадастру. – Ташкент, 2005. – С. – 24.

УДК : 631.6:626.87

# БУХОРО ТУМАНИ «ЧОРБАКИР» МАССИВИ «БУХОРО БАҲОРИ ОБОД ЕРЛАРИ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ШЎРЛАНИШ КАРТОГРАММАСИНИ ГАТ ЁРДАМИДА ТУЗИШ

***Қаршибоев Хусан Шамсиддин ўғли,***
*таянч докторант*
*e-mail: qarshiboevxusan92@gmail.com*
*Тел: +998999226176*
***Ахмедов Алман Усмонович,***
*қ.х.ф.н., катта илмий ходим*
***Турсунова Гавхар Худояровна,***
*кичик илмий ходим*

*Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти*

***Аннотация.*** Ушбу мақолада Бухоро туманидаги «Чорбакир» массиви «Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалиги суғориладиган ерларининг шўрланиши картаграммасини ГАТ ёрдамида тузиш, тадқиқот услублари, олинган натижалар ҳамда шўрланиш меъёрлари ва муддатлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

***Калит сўзлар:*** Суғориладиган тупроқлар, механик таркиб, шўрланиш даражаси ва типлари, тузлар миқдори ва захиралари, пролювиал-аллювиал ётқизиқлар, хлор ва сульфатлар, агроирригацион горизонт, тупроқ шўрланиши картаграммаси.

***Аннотация.*** В данной статье излагается методы и принципы составления и создание «Картограммы засоления почв с помощью ГАТ технологии», орошаемых почв Бухарского района массива «Чорбакир» фермерского хозяйства «Бухоро баҳори обод ерлари». Рассмотрены процессы засоления, обобщены результаты исследований, даны рекомендации по промывкам засоленных почв.

***Ключевые слова:*** Орошаемые почвы, механический состав, степень и виды засоления, количество и запасы солей, пролювиально-аллювиальные отложения, хлор и сульфаты, агроирригационный горизонт, картограмма засоления почв.

***Annotation.*** This article presents information on the creation of the "Soil salinity cartogram" of the irrigated lands of the "Bukhara Spring Gardens" farm with the help of GAT, the methods of research, the norms and periods of salinization based on the obtained results.

***Key words:*** Irrigated soils, mechanical composition, degree and types of salinity, amount and reserves of salts, proluvial-alluvial deposits, chlorine and sulfates, agro-irrigation horizon, soil salinity cartogram.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра 44 892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар майдони эса 4342,5 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил этади. Шундан турли даражада шўрланган ва турлича унумдорлигига эга, маълум бир қисми суғорма деҳқончилик учун ноқулай ерлар ҳисобланади [1].

Республикамиз тупроқларида содир бўлган, юқорида айтиб ўтилган салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 08-апрелдаги 190-сонли қарорида, Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг шўрини ювиш учун фойдаланиладиган ва тасдиқланган шўр ювиш нормалари доирасида, шунингдек, коллектор ва дренаж тармоқ-

ларидан ишлатиладиган сув ресурсларини, улардан фойдаланганлик учун соликдан озод қилиш, сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) суғориш технологияларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [2].

Кўп йиллар давомида ер ресурсларидан, айниқса суғориладиган тупроқлардан нотўғри ва самарасиз фойдаланиш, тупроқ хоссалари ва унинг мелиоратив гуруҳларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмай қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиш, меъёрсиз ва назоратсиз суғоришлар натижасида, экин майдонларида, айниқса суғориладиган ерларда ер ости грунт сувларининг сатҳи кўтарилиб, шўрланиш ва ботқоқлашиш жараёнлари кучайди [3].

Бухоро воҳасининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган суғориладиган ер майдонларининг мелиоратив ҳолати йилдан йилга ёмонлашиб бораётганлиги, шўрланиш даражасининг ортиб бораётганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил миқдори ҳамда сифатининг пасайишига олиб келмоқда [4].

**Тадқиқот услублари.**

«Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалиги тупроқларида мажмуали тадқиқотлар олиб борилди. Ҳудуднинг тупроқ намуналарини аниқлаш ва бажариш жараёнида генетик-географик, профиль геокимёвий, дала-стационар, кимёвий ва аналитик улублардан фойдаланилди. Тупроқ кимёвий таҳлиллари Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида ишлаб чиқилган умумқабул қилинган услублардан ҳамда Е.В. Аринушкинанинг тупроқ кимёвий таҳлиллар бўйича қўлланмалари асосида бажарилди ҳамда ҳудуд тупроқларнинг шўрланганлик даражаси типлари бўйича рақамли тупроқ харитасини яратиш учун тадқиқот майдонларидаги тупроқ кесмаларини аниқлаш нуқталари харитасидаги тегишли нуқталарга шўрланиш даражалари қийматларини қайд қилиш асосида, уларнинг фазовий тарқалиши аниқланди. Бунинг учун ArcGIS дастурининг Geostatistical Analyst (GA) модулида мавжуд интерполяция усулларидан бири қўлланилди[5].

**Тадқиқот натижалари.** Бухоро тумани «Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалигида тадқиқот олиб борилган суғориладиган экин ер майдонлари 159,2 га ни ташкил этиб, Зарафшон дарёси замонавий дельтасининг пастки қисмида жойлашган, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари кенг тарқалган. Ҳудуд асосан, текислик ерлардан иборат, шимолдан жанубга томон денгиз юзасидан баландлик сатҳи пасайиб боради.

Текислик жанубий-ғарб ва жанубий-шарқ томонларга қараб шағал-қум ва тупроқ аралашган майин жинсли пролювиал ётқизиқлар ўрин олиб, баъзан улар устини аллювиал келтирилмалар қоплаганлиги кузатилади. Ҳудуднинг асосий қисмида тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар усти лойли, қумлоқли ва қумли қатламлари бўлган қумоқлар, улар остида аллювиал-пролювиал ётқизиқларнинг қум аралашган тошшағалли қатламлари ётади.

Қишлоқ хўжалигида экинларнинг ҳосилдорлиги, аввало, тупроқ унумдорлигига боғлиқ бўлиб, тупроқ унумдорлиги умрбод сақланиб туриш хусусиятига эга эмас. Чунки, у доимо турли таъсирлар остида ўзгариб туради. Айниқса, суғориш учун фойданиладиган сувда ҳам тузлар мавжуд. Ҳозирги пайтда намлик даражаси ортиқча ерларга қўшимча сув берилса, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, сувлар таркибидаги эриган тузлар ҳар хил ўсимликларни илдизлари атрофида тўпланиши мумкин.


Зарафшон ва Амударё дарёлари



ISSN 2181-0826 3/2024 y.


ҳудуднинг асосий сув ва ҳаёт манбаи ҳисобланиб, улардан Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл ва бошқа каналлар орқали чучук сув олиниб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишитирилади[6].

Шўрланган тупроқлар — таркибида сувда осон эрийдиган зарарли тузлар 0,1 % ёки сувли сўримдаги қуруқ қолдиқ миқдори 0,25 % (0,3 %) дан кўп бўлган тупроқлардир. Амалда эса, қишлоқ хўжалик экинларининг меъёрий ривожланишига тўсқинлик қиладиган миқдорда сувда осон эрийдиган тузи бўлган барча ерлар шўрланган ерлар ҳисобланади.




**1-расм. Бухоро тумани «Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалиги суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича, ер майдонлари, %.**

«Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалигининг суғориладиган 159,2 га экин ер майдонларининг 72 % ни асосан кучсиз шўрланган тупроқлар ташкил қилади. Ҳудуд ерларида тарқалган шўрланиш ҳолатларини олдини олиш ва камайтириш мақсадида, шўрланган ерларни кимёвий мелиорация воситалари ёки ўғит ёрдамида қайта тиклаш мумкин эмас. Шўрланган ерларни фақат ўсимликларнинг ҳосилдор (илдиз) қатламидаги тузларни чиқариб юбориш орқали қайта тиклашмиз мумкин.




**2-расм. Бухоро тумани «Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалиги суғориладиган ерларининг <<Тупроқ шўрланиши картограммаси>>.**

**Тадқиқотлар объекти** - «Бухоро баҳори обод ерлари» фермер хўжалиги суғориладиган тупроқлари шўрланиш даражасига кўра, ўртача ва кучсиз

шўрланган, 0-100 см қатламдаги тузларнинг ўртача миқдорий кўрсаткичлари қуруқ қолдиқ бўйича 0,765-0,133% ни, Cl 0,340-0,017% ни, SO4 0,359-0,067 % ни ташкил этади, хлорид-сульфатли ва сулъфат-хлоридли шўрланиш типларидан иборат. Ҳудуд тупроқларининг механик таркиби турли-туманлиги билан ажралиб туради. Суғориш манбаига яқин жойлашган тупроқлар, узоқроқда жойлашган тупроқларга нисбатан бирмунча енгил механик таркибга эга. Ўрганилган ҳудуд суғориладиган тупроқлари 1,2-2,0 м гача қалинликдаги агроирригацион ётқизиқлар билан қопланган. Механик таркибига кўра, улар асосан енгил қумоқли, камдан кам ҳолатларда оғир ва ўрта қумоқлар учрайди. Ҳудуд гурунт сувлари 1,5-2,5 метр чуқурликда жойлашган бўлиб, бўз тупроқлардан ўтлоқи тупроқларга ўтувчи (оралиқ) тупроқлар ҳисобланади[7].

***Ключевые слова:*** орошаемые серо-бурые-луговые орошаемые луговые почвы органическое вещество, нормы, сроки подкормки.

***Annotation.*** The article presents the results of phenological observation of the growth, development and productivity of the winter wheat variety in the conditions of widely irrigated gray-brown meadow and irrigated meadow soils of the Kyzyltepa district of the Navoi region and in on farms operating in the Tashrabad massif. Experiments show that when we applied 10 ton/ha manure and N154P112K35 kg/ha (in pure calculation), the number of grain harvest in irrigated gray-meadow and irrigated meadow soils.

***Key words:*** irrigated meadow-brown and irrigated meadow soil, organic matter, feeding rate and time.

**Kirish.** Qishloq xo‘jaligida qo‘llanilayotgan o‘g‘itlar o‘ziga xos tarkibga va tuzilishga ega. O‘g‘itlar, tuproq xossalariga va ekin naviga ta’sir ko‘rsatadi. O‘g‘itlar tuproqning kimyoviy tarkibiga ta’sir ko‘rsatishi tufayli oziqa elementlar miqdori o‘zgaradi [1, 38 b].

Tuproqda oziqa elementlar o‘simlikning o‘sishi, rivojlanishi, hosildorligiga ta’sir ko‘rsatadi. Ekin navlari bir-biridan farq qiladi. Har bir nav mustaqil organizm bo‘lib, tuproqda oziqa elementlar turlicha o‘zlashtiradi. Kuzgi bug‘doy hosildorligini oshirish ko‘p omillarga bog‘liq. Dunyo g‘allachiligi amaliyotida ham bug‘doydan mo‘l va sifatli hosil shakllantirishda asosan mineral o‘g‘itlarning salmog‘i katta. Hozirda tuproq–iqlim sharoitlarini hisobga olib, tashqi muhitning abiotik va biotik omillariga chidamli sermahsul, sifatli navlarni ekish, navning yilma–yil navdorlik belgi xususiyatlarini muqobil holatda ushlab turish, hududning tuproq–iqlim va ekologik sharoitlariga moslashtirish, tuproqda oziqa elementlar taqchil sharoitda

biomassa ko‘p to‘plashi uchun navning potentsialligini oshirish, tuproq va o‘simlik orasidagi namlik muvozanatini saqlashda boshqalarida - mineral o‘g‘itlardan samarali foydalanish tizimi ishlab chiqilgan amaliyotda o‘z natijasini bermoqda. Biroq hanuzgacha har bir tuproqqa yoki har bir nav uchun maqbul o‘g‘it me'yori, muddatlari to‘liq ishlab chiqilmagan. Buning ustiga mineral o‘g‘itlardan me'yorida foydalanish qoidalariga amal qilmaslik oqibatida gohida tuproqda murakkab tuzlar to‘planishi, tuproqlar sho‘rlanishga, eroziyaga, degradatsiyasiga uchrashi kuzatilmoqda. Shu maqsadlarda, o‘tkazilgan tadqiqotlar turli o‘g‘it fonida kuzgi bug‘doydan yuqori hosil olishda o‘g‘itlarning maqbul me'yori, muddatlari ta’sir ida o‘g‘it samaradorligini ko‘tarishga qaratilgan.

**Materiallar va uslublar.** Dala tadqiqotlari, tuproq va o‘simlik namunalarini olish, agrokimyoviy tahlillar, fenologik kuzatuvlar umumiy qabul qilingan «Dala tajribalarini o‘tkazish uslublari», «Metodika polevogo opita» (B.A.Dospexov, 1985) [3, 248-255 b] uslubiy qo‘llanmasi asosida, tuproq namunalarining kimyoviy tahlillari «Методи агрохимических анализов почв и растений Средней Азии», [4, 12-18 b].

**Tadqiqot natijalarining muhokamasi.** Dala tadqiqotlari Navoiy viloyati Qiziltepa tumani Toshrabot massivining sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi va sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlari sharoitida olib borilgan. U Malikcho‘l hududida tarqalgan tuproqlar bo‘lib, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi yoki sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlar juda ko‘p olimlar tomonidan o‘rganilgan bo‘lsada, aynan shu hudud uchun ular genetik-geografik va ekologik meliorativ jihatdan hali ham atroflicha tahlil etilmagan. Malikcho‘l iqlimi sharoitlariga ko‘ra cho‘l mintaqasi iqlimidan subtropik iqlim mintaqasiga o‘tish chegarasida joylashgan. Ko‘p yillik kuzatish ma'lumotlariga asoslanib Malikcho‘l mintaqasi hududida tajriba o‘tkazish o‘ziga xos ahamiyat kasb etgan. Havoning o‘rtacha yillik harorati 14,5-14,9 $^0$S, eng issiq oy iyul oyiga to‘g‘ri kelib, o‘rtacha oylik harorat 27-29 $^0$S ga teng bo‘lgan. Ba'zan eng yuqori havo harorati 44 $^0$S gacha borishi kuzatilgan.

Manashunday sharoitda kuzgi bug‘doy yetishtirishda o‘g‘itlar qo‘llanilganda uni tuproqqa, o‘simlikni unib-chiqishi, o‘sib, rivojlanishi va hosil belgilarini shakllantirishiga qanaqa ta’sir ko‘rsatishi tajribalarda o‘rganilgan. Bu 2 yillik dala tajribalari asosida o‘z isbotini topgan. Haydalma qatlamni kompostga aylantirish agrotexnologiya asosida tuproqda oziqa elementlar ko‘paygan [5, 244-250-b].

Tadqiqotlar o‘tkazish joyi, Navoiy viloyati Qiziltepa tumani Toshrabot massivi bo‘lib, u yerda keng tarqalgan sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi va sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlar sharoitida tajribasi sxemasi bo‘yicha kuzgi bug‘doyning «Vassa» navi bilan 5 variant, 3 qaytariqda dala tajribasi qo‘yilgan. Tajriba qo‘yish sxemasi asosida o‘g‘itlar qo‘llanilgan (1-jadval).

Tajribada o‘rganiluvchi har bir variantning qatori oraligi 0,6 metr, bir qaytariq eni (40 ta qator) 24 metr, uzunligi 11,875 metr, bir qaytariq 285,0 m$^2$, 3 qaytariq 855,0 m2. 5 variant bilan hisoblash maydonchasi 4275 m$^2$. Umumiy qatorlar uzunligi 218 ta (130,8 metr), eni 42,225 (variantlar orasi 39,225) metr bo‘lib, umumiy maydoni 5523,03 m2 tashkil etgan.

1-jadval

**Tajriba qo‘yish sxemasi**

| Kuzgi bug‘doy navi | | | |
|---|---|---|---|
| Variantlar | I-qaytariq | II-qaytariq | III-qaytariq |
| | 1 | 3 | 5 |
| | 2 | 4 | 1 |
| | 3 | 5 | 2 |
| | 4 | 1 | 3 |
| | 5 | 2 | 4 |



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

Yuqoridagi tajriba sxemasi asosida kuzgi bug‘doyning oziqlantirish tizimi ishlab chiqilgan (2-jadval).

Kuzgi bug‘doy o‘sishi va rivojlanishining har xil fazalarida fenologik kuzatuvlar olib borilgan va tuproq va o‘simlik namunalari olinib, kimyoviy tahlillar qilingan. Dastlab tajriba o‘tkazilgan maydonlardan tuproq kesmalari olinib agrokimyoviy tahlil qilingan.

Sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi o‘tloqi tuproqlar mexanik tarkibi bo‘yicha yengil qumoqli. Tuproqlar kam gumusli tuproqlar qatoriga kiradi. Tuproqda umumiy gumus miqdori 0,27-1,09 % gacha, azot miqdori 0,032-0,093 % gacha, fosfor miqdori 0,096-0,132 % gacha va kaliy miqdori 0,8-1,2 % gacha tebranadi. Azot bilan o‘rtacha, fosfor va kaliy bilan o‘rtachadan past ta’minlangan. Sizot suvlar sathini 1,6-2,0 metr atrofida ko‘tarilgan. Quruq qoldiq miqdori 3,700 g/l. Tuproq va yer osti suvi xlorid-sul’fatli tuzlar bilan o‘rtacha darajada sho‘rlanganligi aniqlangan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlar mexanik tarkibi bo‘yicha o‘rta qumoqli.

Tuproqda umumiy gumus miqdori 0,40-1,20 % gacha, azot miqdori 0,11-0,16 % gacha, fosfor miqdori 0,098-0,162 % gacha, kaliy miqdori 0,9-1,8 % gacha. Azot, fosfor va kaliy bilan o‘rtacha ta’minlangan. Sizot suvlar sathini 2,0-2,5 metr atrofida ko‘tarilgan. Quruq qoldiq miqdori 1,900 g/l. Tuproq va yer osti suvi xlorid-sul’fatli tuzlar bilan kuchsiz darajada sho‘rlanganligi ma'lum bo‘lgan. Dala tadqiqotlarida kuzgi bug‘doyning «Vassa» navi 1m$^2$ ga 530 dona hisobida taqsimlangan, 1 dona vazni 0,041 gr, shunga mos ravishda «Vassa» navi uchun 217,3 kg/ga urug‘ sarflandi. Urug‘lik (MTZ-80, SZ-3,6+KZU-0,3) agregatlarida qator orasi 60 x 60 sm.li qilib ekilgan. Unib-chiqish muddatlari bo‘yicha sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda 1-2 kunga ertaroq, unib-chiqish miqdori ham 2-4 % ga ko‘pligi ma'lum bo‘lgan. Bug‘doy to‘liq maysalab, kuzning oxirida poyalanishi (tuplanishi) ancha uzoq davom etdi, tuplar soni ko‘payib borgan. Tuplar soni qancha ko‘p bo‘lsa, erta don hosilini ham mo‘l bo‘lishiga olib kelgan. Eng maqbul variantda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda bahorda o‘simlik soni, 1 m$^2$ da 408,3 donna, poyalanish soni 1,3 donna, o‘simlikning ustki qismi 16,8 sm bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi bahorda o‘simlik soni, 1 m$^2$ da 412,3(4,0) donnaga, poyalanish soni 1,3 donnaga, o‘simlikning ustki qismi 17,3 (0,5) sm.ga farq qilgan. Kuzgi bug‘doy naychalash davrida shiddat bilan o‘sib, rivojlangan. Tadqiqotlarda o‘rganilgan kuzgi bug‘doy naychalanish davrida poya, bargi, naychalar soni, ildiz uzunligida farqi kuzatilgan. 10 tonna/ga chiqindi va qoldiqlar + N-154 P-112 K-35 kg/ga fonida sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi, 18,9 sm, barg uzunligi 17,1 sm, o‘simlikning o‘rtacha bo‘yi 45,1 sm bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqda ildiz uzunligi, 19,6(0,7 ga ko‘p) sm, barg uzunligi 17,6(0,5 ga ko‘p) sm, o‘simlikning o‘rtacha bo‘yi 47,6(2,5 ga ko‘p) sm.ga farqlangan. Kuzgi bug‘doyda boshoq, boshoqda don shakllanishi ya’ni boshoqlash fazasida, hosilning muhim belgilarida farq aniqlangan (1-rasm).


1-jadval


**Kuzgi bug‘doyning oziqlantirish tizimi**

| № | O‘g‘itlarning yillik me’yori, kg/ga | Ekishdan oldin | | | | Ekishdan keyin | | | | Tuplanish davrida | | | | Naychalash davrida | | | | Boshoqlash davrida | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Chiqindi va qoldiqlar, tonna/ ga | Mineral o‘g‘itlar, kg/ ga | | | Chiqindi va qoldiqlar, tonna/ ga | Mineral o‘g‘itlar, kg/ ga | | | Chiqindi va qoldiqlar, tonna/ ga | Mineral o‘g‘itlar, kg/ ga | | | Chiqindi va qoldiqlar, tonna/ ga | Mineral o‘g‘itlar, kg/ ga | | | Chiqindi va qoldiqlar, tonna/ ga | Mineral o‘g‘itlar, kg/ ga | | |
| | | | N | P | K | | N | P | K | | N | P | K | | N | P | K | | N | P | K |
| 1 | Nazorat | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 2 | Fermerning o‘g‘it me’yorlari 2 tonna/ga go‘nglar $N_{220}P_{160}K_{50}$ | - | - | 96 | 30 | - | 44 | 32 | 10 | 1 tonna/ ga go‘nglar | 55 | 24 | 7 | 1 tonna/ ga go‘nglar | 77 | 8 | 3 | - | 44 | - | - |
| 3 | 7 tonna/ga chiqindi va qoldiqlar $N_{154}P_{112}K_{35}$ | 7,0 | - | 67 | 21 | - | 31 | 22 | 7 | - | 38 | 17 | 5 | - | 54 | 6 | 2 | - | 31 | - | - |
| 4 | 10 tonna/ga chiqindi va qoldiqlar $N_{154}P_{112}K_{35}$ | 10,0 | - | 67 | 21 | - | 31 | 22 | 7 | - | 38 | 17 | 5 | - | 54 | 6 | 2 | - | 31 | - | - |
| 5 | 15 tonna/ga chiqindi va qoldiqlar | 15,0 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| | **Yillik oziqlantirish miqdori, %** | **100** | **-** | **60** | **60** | **-** | **20** | **20** | **20** | **-** | **25** | **15** | **14** | **-** | **35** | **5** | **6** | **-** | **20** | **-** | **-** |



ISSN 2181-0826 3/2024 y.




**1-rasm. Kuzgi bug‘doy don hosildorligini variantlarda farqi.**

Tadqiqotlarda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 19,9 sm.ni, barg uzunligi 26,6 sm.ni, boshoq uzunligi 6,8 sm.ni va poyalarning o‘rtacha bo‘yi 97,9 sm.ni tashkil qilgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 21,6 (1,7 ga ko‘p) sm.ni, barg uzunligi 27,3(0,7 ga ko‘p) sm.ni, boshoq uzunligi 6,9(0,1 ga ko‘p) sm.ni va poya-larning o‘rtacha bo‘yi 99,2(1,3 ga ko‘p) sm.ni tashkil qilgan. Tadqiqotlarda, asosiy belgilar sifatida 1 $m^2$ da umumiy va maxsuldor poyalar soni, ildiz uzunligi, boshoq uzunligi, boshoqda donlar soni, 1000 ta don vazni, poya-barg vazni, bitta boshoqdagi qobiqning vazni, don va somon hosili o‘rganilganda farqlar aniqlangan.

Birinchi variantda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 17,4 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 273,6 dona, mahsuldor poyalar soni 161,8 dona, boshoq uzunligi 6,0, boshoqda donlar soni 24,2, 1000 ta don vazni 32,2 g, poya-barg vazni 1,25 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,44 g, don hosili 12,65 s/ga va somon hosili 34,08 s/ga bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 17,7 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 279,0 dona, mahsuldor poyalar soni 163,3 dona, boshoq uzunligi 6,6 g, boshoqda donlar soni 24,4 dona, 1000 ta don vazni 32,4 g, poya-barg vazni 1,22 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,42 g, don hosili 12,85 s/ga va somon hosili 34,26 s/ga ni tashkil qilgan. Ikkinchi variantda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 20,5 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 509,3 dona, mahsuldor poyalar soni 394,7 dona, boshoq uzunligi 6,9 sm, boshoqda donlar soni 38,1 dona, 1000 ta don vazni 37,6 g, poya-barg vazni 1,48 g, bitta boshoq-dagi qobiqning vazni 0,42 g, don hosili 58,47 s/ga va somon hosili 75,46 s/ga bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 21,7, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 509,9 dona, mahsul-dor poyalar soni 406,8 dona, boshoq uzunligi 7,1 sm, boshoqda donlar soni 38,2 dona, 1000 ta don vazni 37,2 g, poya-barg vazni 1,48 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,43 g, don hosili 60,20 s/ga va somon hosili 75,55 s/ga ni tashkil qilgan. Uchinchi variantda, sug‘oriladi-gan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 21,9 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 514,6 dona, mahsuldor poyalar soni 419,6 dona, boshoq uzunligi 7,3 sm, boshoqda donlar soni 38,7 dona, 1000 ta don vazni 38,2 g, poya-barg vazni 1,59 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,48 g, don hosili 60,43 s/ga va somon hosili 76,66 s/ga bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 22,9 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 520,4 dona, mahsuldor poyalar soni 426,4 dona, boshoq uzunligi 7,5 sm, boshoqda donlar soni 39,2 dona, 1000 ta don vazni 39,1 g, poya-barg vazni 1,48 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,46 g, don hosili 62,53 s/ga va somon hosili 77,30 s/ga ni tashkil

qilgan. To‘rtinchi variantda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 23,0 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 530,8 dona, mahsuldor poyalar soni 433, dona, boshoq uzunligi 7,7 sm, boshoqda donlar soni 38,9 sm, 1000 ta don vazni 38,5 g, poya-barg vazni 1,52 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,48 g, don hosili 64,68 s/ga va somon hosili 80,86 s/ga bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 23,5 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 536,0 dona, mahsuldor poyalar soni 448,5 dona, boshoq uzunligi 7,8 sm, boshoqda donlar soni 39,3 dona, 1000 ta don vazni 39,3 g, poya-barg vazni 1,51 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,50 g, don hosili 67,27 s/ga va somon hosili 81,44 s/ga ni tashkil qilgan. Beshinchi variantda, sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 21,5 sm, 1 $m^2$ da umumiy poyalar soni 524,0 dona, mahsuldor poyalar soni 413,9 dona, boshoq uzunligi 7,1, boshoqda donlar soni 38,2 dona, 1000 ta don vazni 37,5 g, poya-barg vazni 1,47 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,43 g, don hosili 57,06 s/ga va somon hosili 77,23 s/ga bo‘lgan bo‘lsa, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarda ildiz uzunligi 22,1 sm, 1 m2 da umumiy poyalar soni 525,8 dona, mahsuldor poyalar soni 415,4 dona, boshoq uzunligi 7,2 sm, boshoqda donlar soni 38,5 dona, 1000 ta don vazni 37,9, poya-barg vazni 1,49 g, bitta boshoqdagi qobiqning vazni 0,44 g, don hosili 58,90 s/ga va somon hosili 78,95 s/ga ni tashkil qilgan.

O‘tqazilgan ikki yillik tajriba ma'lumotlarning o‘rtacha natijalari bo‘yicha sug‘oriladigan sur tusli qo‘ng‘ir-o‘tloqi tuproqlarida 64,7 s/ga, (fermerning o‘g‘it me'yorlaridagi hosiliga nisbatan qo‘shimcha don hosili 6,2 s/ga), rentabellik darajasi 43,2 % ni, sug‘oriladigan o‘tloqi tuproqlarida 67,3 s/ga don hosili (fermerning o‘g‘it me'yorlaridagi hosiliga nisbatan qo‘shimcha don hosili 7,1 s/ga), rentabellik darajasi 48,9 % ni tashkil qilgan. Bundan ko‘rinadiki, tuproqdagi oziqa elementlar va qo‘llanilgan o‘g‘itlar me'yorlari, muddatlari ta’sir ida o‘simlikning o‘sishi, rivojlanishi, hosili yuqori bo‘lishiga olib kelgan.

**Xulosa.** O‘g‘itlar tuproq xossalariga turlicha ta’sir ko‘rsatadi. O‘g‘itlar, tuproqdagi oziqa elementlar miqdoriga, o‘simlikning o‘sishi, rivojlanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatgan. Kuzgi bug‘doy don hosili o‘g‘it me'yorlari, muddatlari ta’sirida oshgan. Tadqiqotlarda don hosildorligi nazorat variant bilan o‘zaro solishtirilganda, eng yaxshi natijalar, to‘rtinchi o‘g‘it fonida aniqlangan. Har ikkala o‘rganilgan tuproqlarda 10 t/ga chiqindi va qoldiqlar +N-154 P-112 K-35 kg/ga o‘g‘it me'yorlarida oshganligi aniqlangan.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Sattorov J.S. Soz tuproqda baraka bo‘ladi // Fermer ijtimoiy-iqtisodiy jurnal. – T.: 2013. № 1 - B. 38.

2. B.Atoyev. Tuproq unumdorligi uning pasayishini oldini olish mumkinmi. Qiziltepa tongi газетаси. 2021. 16- iyul. №29 (6469) 1-6.

3. Dospexov B.A. Методика полевого опыта. M.: 1985 Agropromizdat. S. 248-255.

4. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Издание 5-е. – Toshkent. 1977. 12-18 б.

5. Atoyev B., Kaypnazorov J., Egamberdiyeva M., Makhammadiyev S., Karimov M., Makhkamova D. Technology of nutriating winter wheat varieties in variety-soil-fertilizer system.//E3S Web Conf. 244 02040 (2021).DOI:10.1051/e3sconf/202124402040 (indexing by Scopus). 244-250 (7).

UDC: 633.854.78/631.8

# CREATION OF EFFECTIVE COMBINATIONS OF BIOFERTILIZERS USED IN SUNFLOWER GROWING

***Muydinov Khoshimjon Gulomovich,***
*doctor of Philosophy in Agricultural Sciences (PhD), docent,*
*e-mail: xoshimjonmuydinov@gmail.com*

*Regional branch of Andijan region*
*Institute of Soil Science and Agrochemical Research, Uzbekistan.*

***Annotation.*** The article presents information on the effect of applying organomineral fertilizers on the formation of their crop structure to the sunflower crop planted as a secondary crop in Uzbekistan. In this combination, the weight of 1000 grains and the yield rate of 1000 grains in the 4th variant were the highest among the variants, which were 76.4 grams and 37.23%, respectively. The yield was 32.1 c/ha in option 4 and 30.6 c/ha in option 8, which was 8.2 and 7.7 c/ha higher than the corresponding control options.

***Key words:*** Bio-fertilizer product, Ekosil, Ekogum bio, Hydrogumat, Ekogum complex, Ekogum FK, Polibor, Immunoact, sunflower, basket.

***Аннотация.*** Мақолада Ўзбекистонда иккинчи маҳсулот сифатида экилган кунгабоқар экинига органоминерал ўғитларни қўллаш таъсири ҳақида маълумотлар берилган. Бу комбинацияда, 4-чи вариантда 1000 доннинг вазни ва 1000 доннинг ўртача ўсиш фоизи энг юқори бўлиб, улар 76.4 грамм ва 37.23% ни ташкил этди. 4-чи вариантда ўртача ўсимлик ҳосили 32.1 ц/га, 8-чи вариантда эса 30.6 ц/га бўлиб, бу уларнинг тегишли назорат вариантларидан 8.2 ва 7.7 ц/га кўпдир.

***Калит сўзлар:*** Био-ўғит маҳсулоти, Экосил, Экогум био, Гидрогумат, Экогум комплекс, Экогум ФК, Полибор, Иммуномат, сават.

***Аннотация.*** В статье представлены данные о влиянии применения органоминеральных удобрений на подсолнечник, выращиваемые как повторная культура в Узбекистане. В комбинации с удобрениями 4-й вар ант показал наивысшие результаты: вес 1000 семян составил 76.4 грамма, а средний процент роста 37.23%. Средний урожай в 4-м варианте составил 32.1 ц/га, в 8-м варианте — 30.6 ц/га, что превышает от контрольных вариантов на 8.2 и 7.7 ц/га соответственно.

***Ключевые слова:*** Биоудобрение, Экосил, Экогум био, Гидрогумат, Экогум комплекс, Экогум ФК, Полибор, Иммуномат, корзина.

**Introduction.** In the global agricultural network, the use of effective organo-mineral fertilizers in the nutrition of crops is aimed at achieving the production of agricultural products, increasing the yield and soil fertility, the efficient use of land, organomineral fertilizer for high-yielding varieties. The leading scientific centers of the world are conducting research on the norms, periods and methods of using dogs and biostimulants, and the use of effective crop rotation systems.

To correctly select the types of organomineral fertilizers suitable for the soil-climatic conditions of a certain region in the effective use of land, to create the scientific basis for the use of organomineral fertilizers in feeding crops for the production of agricultural products, and establishment is one of the urgent issues of today.

Planting of sunflower as a secondary crop in our country is quite remarkable. Because this plant solves the problems of feed, protein and oil for livestock and poultry. It is known that in our republic, due to the high annual temperature and the use of accelerated tillage methods in the cultivation of agricultural

crops, as well as the irrigation of crops, the accumulated natural humus reserve in the soil has decreased, as a result, the soil has lost its biological properties. caused to die, the yield of crops decreased.

**Methodology.** Based on these and other issues, it is urgent to create an agrotechnology of using organomineral fertilizers and to study the effect of their application on soil fertility in the cultivation of high and ecologically clean sunflower as a secondary crop.

The purpose of our research is to evaluate the effect of Ekogum bio, Gidrogumat, Ekosil, Ekogum AF, Ekogum complex, Ekogum FK, Polibor and Immunoact on the yield and soil fertility of sunflower crops planted secondary after winter wheat in Andijan region grassland soil conditions. was to determine the effects of using dogs. To achieve this goal, the following tasks were assigned to the research work:

- to determine the effect of organomineral fertilizers on soil fertility, the mobile amounts of nitrogen, phosphorus and potassium in the soil, and the amount of humus;
- determining the effect of organomineral fertilizers on the growth, development and formation of crop structure of secondary planted sunflower;
- determining the effect of organomineral fertilizers on the yield of secondary planted sunflower;
- to determine the effect of organomineral fertilizers on the quality indicators of the yield of secondary planted sunflower;
- determining the economic efficiency of using organomineral fertilizers.

In the study, it was the object of the study, which was irrigated meadow soils from ancient times, sunflower plant, Ekogum bio and Hydrogumat, Ekosil VE 50 l/ha, Ekogum AF, Ekogum complex, Ekogum FK, Polybor and Immunoakt organomineral grass. are considered to be gites. The subject of the study is sunflower growth, development, productivity, ripening periods, product quality indicators, changes in agrochemical properties of soil when organomineral fertilizers are used, soil fertility.

**Literature review.** One of the promising directions of crop physiology and biochemistry is to determine the effect of physiologically active substances, i.e., growth regulators and microelements on plant growth, development and productivity.

B. Eshkuwatov, A. Turdiyev [12; p.16] biostimulants are biologically active substances that are formed in plant tissues under certain conditions and enhance the plant's vital functions. Therefore, developing and improving the technology of using biologically active substances in agriculture will bring out the internal capabilities of the plant and increase the possibility of growing high-quality crops.

Sh. Nurmatov, R. Nazarov and others [11; p.11] In the conditions of Kashkadarya region, biologically active growing substances such as Oxygumate, Sodium humate, Silk, Print, Bionitrogen, etc., before sowing and during the operation period, increase the cotton yield by 2-3 hours per hectare in order to obtain an abundant harvest from cotton. emphasized.

V.N. Tarusina, T.V. Sokolova, G.G. Rusin [10; p.21-23] In Ukraine, they studied the effect of pollination of cereal seeds with silicic organic compound powder on sprout germination, plant growth and development, yield and its quality. The organosilicon compound is polymethylsiloxane, that is, a polycondensed cubic residue (CO) preparation of methylchlorosilane, which was used in the form of a 33% powder. When the seeds of autumn and spring wheat were pollinated with KO, the oxygen demand of the 2-3-day-old sprouts increased compared to the control,



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

and healthy seedlings were obtained. Also, the surface of the leaf increased, the weight of the root and leaf increased, and the amount of pigments in the leaves increased.

Also, during the vegetation period, the activity of the enzymes involved in oxidation-reduction is increased, the respiration of the plant is accelerated, that is, the exchange of substances is coordinated. It was found that this drug improves the absorption of phosphorus by the plant. This was achieved due to the increase in phosphate desorption under the influence of silicates in organic silicon compounds. Also, the vegetation period of corn was accelerated by 2-3 weeks and the grain yield was 51.2 t/ha, 21.7 t/ha more than the control (29.5 t/ha) and the protein content was 1.2%. observed to increase.

According to Sh. Abdualimov, D. Abayeva, Sh. Turdialiyeva [13;30-35-b], the highest indicators of seedling germination in corn experiments were 0.6 with UzGumi 71.0-94.4% when l/t is treated, 69-91.8% when Bioenergiya-M 2.5-3 l/t is used, and 20.3-16.1% in UzGumi compared to the control, 18.3-13.5% increase was observed in Bioenergy-M.

**Results.** The field experiments conducted by us within the framework of this direction are conducted in the grassland soil conditions of the experimental fields of the Andijan Institute of Agriculture and Agro-technologies. The soil of the experimental field is grassy soil that has been irrigated since ancient times, heavy sand according to its mechanical composition, and the seepage water level is located at a depth of 2.0-2.5 meters.

During the agrochemical analysis of the soil of the field allocated for the experiment, it was found that humus in the tillage layer was 1.59%, and it was provided at a high level (see Table 1).

Table 1.

**Results of agrochemical analysis of the soil of the experimental field before the start of the experiment**

| Soil pit number | Soil layer, cm | Amount of humus, % | Amount of mobile nutrients, mg/kg | |
|---|---|---|---|---|
| | | | $P_2O_5$ | $K_2O$ |
| Average of 3 points | 0-30 | 1,59 | 16,8 | 230 |
| | 30-50 | 1,51 | 17,6 | 200 |

In the same layer, it can be seen that the amount of mobile phosphorus is 16.8 mg/kg, and it is poorly supplied, and exchangeable potassium is provided at an average level (230 mg/kg). In the subsoil layer, the supply of soil with humus, mobile phosphorus and exchangeable potassium is sufficient (humus 1.51%), low (mobile phosphorus 17.6 mg/kg) and low (potassium 200 mg/kg). it was found that it was mounted.

The experiment consists of 8 options and is repeated in 3 iterations. The options are placed on two levels, the area of one part is 144 $m^2$, the total area of the experiment is 3456 $m^2$. "Methods of conducting field experiments" in conducting field experiments [6; p.2-28], "Metody agrokhimicheskih analizov pochvi rasteniy Sredney Azii" in the analysis of agrochemical properties [4; p.187], in the analysis of agrophysical properties of the soil "Rukovodstvo k proveteniyu khimicheskikh i agrofizicheskikh analizov pochv pri monitoringe zemel [5; p.227-230], research works were carried out based on them.

Studies were conducted to study the effect of Ekogum bio, Hydrogumat, Ekosil, Ekogum complex, Ekogum FK, Immunoact, Polibor and Ekogum AF organomineral fertilizers on the growth, development, productivity and quality of the sunflower. In particular, organomineral

fertilizers were used in the types, rates and periods specified in the experimental system, and the following phenological observations were made in the sunflower crop:

- germination of sunflower seeds is determined;
- during the growth periods, the number of leaves, the height of the main stem, the diameter of the baskets, the number of grains in 1 basket and the weight of grains, the weight of 1000 grains, the percentage of pods in the grain were determined;
- the mobile amounts of nitrogen, phosphorus and potassium in the soil and the amount of humus are determined.

Depending on the growth and development of the crops, the formation of their crop structure was also different in the experimental options.

**Discussion.** In the sunflower crop structure, the weight of grain in 1 basket, the weight of 1000 grains and grain yield are the main indicators. The results of the analysis to determine the weight of grain in 1 basket except for the roots. In the 1st feeding, ecosil, ecogum AF and polyboron organomineral fertilizers were used, in the 2nd feeding, ecosil, ecogum complex, ecogum FK and polyboron organomineral fertilizers were used, the highest in the 4th option. showed that it was. In it, the average weight of grain in 1 basket was 76.69 grams, and it was almost 21.2 grams more than in the control option where organomineral fertilizers were not used. In options 2 and 3, the weight of grain in 1 basket was 59.92 and 61.34 grams, which was 4.43 and 5.85 grams higher than in the control option.

The 1000-grain weight and grain yield in option 4 were also the highest among the options, which were 76.40 grams and 37.23%, respectively. Hydrohumate preparation was applied to the soil before planting, and in the 8th option, in the 1st feeding, Ecosil, Ecogum AF and polyboron organo-mineral fertilizers were used, in the 2nd feeding, Ecosil, Ecogum Complex, Ecogum FK and polyboron organomineral fertilizers were used. Correspondingly, the weight of sunflower seeds in 1 basket, the weight of 1000 sunflower seeds and the yield percentages are 75.29 g; 14.28 g and 36.9%, it was determined that the weight of grain in one basket is 21.40 g, the weight of 1000 grains is 12.72 g, and the yield of grain is 4% higher than control variant 5.

Table 2.

**Effect of organomineral fertilizers on sunflower yield structure**

| Options | In 1-case | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Weight of 1 basket with grain, g | Grain weight in 1 basket, g | Weight of 1000 grains, g | Grain yield, % |
| 1(control) | 192,1 | 55,49 | 63,68 | 28,9 |
| 2 | 209,4 | 59,92 | 67,91 | 28,6 |
| 3 | 203,7 | 61,34 | 71,01 | 30,1 |
| 4 | 205,9 | 76,69 | 76,40 | 37,2 |
| 5 (control) | 187 | 53,89 | 61,56 | 32,9 |
| 6 | 204,3 | 58,32 | 65,79 | 32,2 |
| 7 | 198,9 | 59,94 | 68,89 | 34,6 |
| 8 | 201,1 | 75,29 | 74,28 | 36,9 |

It is known that the evaluation of the results obtained from any scientific-research work is necessarily expressed by the amount of crops obtained from the tested factors. In our ongoing research work, we determined the effect of the drugs used on sunflower productivity in the section of options. The yield results of the crop according to the options are presented in Table 3.

Depending on the organomineral fertilizers used in the experiment, the growth and development of the crop, and the formation of the crop structure,



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

its seed yield was also different. In the control option, where organomineral fertilizers were not used in the extra-root feeding of the crop, the grain yield from sunflower was 23.9 c/ha, while the bio-preparation Ecogum was applied to the soil in the amount of 3 l/ha, and Ecosil and Ecogum were applied to the soil in the 1st feeding AF organomineral fertilizers, ecosil, ecogum complex and ecogum FK organomineral fertilizers were used together in the 2nd feeding, in the 2nd option, a yield of 26.0 c/ha was obtained. Among the options, the highest productivity was recorded in option 4, which used ecosil and immunoact organomineral fertilizers in the 1st feeding, ecosil, ecogum complex and immunoact organomineral fertilizers in the 2nd feeding, and was 32.1 c/ha, and compared to the control, it was 8.2 centner additional sunflower seed yield was achieved.

The same pattern was observed in the 8 variants, where the hydrohumate preparation was applied to the soil before planting crops, and during the growing season, ecosil and immunoact organomineral fertilizers were used in the 1st feeding, and ecosil, ecogum complex and immunoact organomineral fertilizers were used in the 2nd feeding, and in the control option, 22.9 c/ha, and in the 8th option, the yield of sunflower seeds was 30.6 c/ha. This, in turn, shows that the seed yield is 7.7 c/ha higher than the control option.

On the basis of the results obtained above, it can be concluded that in order to meet the demand for nutrients of crops along with mineral fertilizers added to the soil to obtain a high yield from sunflower crops, ecosil, ecogum AF and polyboron organomineral fertilizers in the 1st feeding, ecosil in the 2nd feeding, The combined use of ekogum complex, ekogum FK and polybor organomineral fertilizers gives a good effect.

Table 3.

**Sunflower grain yield in the experiment (29.09.2022)**

| Options | productivity, c/ha | | | | Additional yield, c/ha |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1st iteration | 2st iteration | 3st iteration | Average | |
| 1 (control) | 23,75 | 22,91 | 25 | 23,9 | 0,0 |
| 2 | 26,66 | 26,25 | 25 | 26,0 | 2,1 |
| 3 | 28 | 28,83 | 31,75 | 29,5 | 5,6 |
| 4 | 30,83 | 32,5 | 32,91 | 32,1 | 8,2 |
| 5 (control) | 22,84 | 22,13 | 23,8 | 22,9 | 0,0 |
| 6 | 24,76 | 24,95 | 22,9 | 24,2 | 1,3 |
| 7 | 27,04 | 27,69 | 29,85 | 28,2 | 5,3 |
| 8 | 29,65 | 31,08 | 31,21 | 30,6 | 7,7 |

## Conclusions and recommendations

It was found that the application of 3 l/ha of the ecogum bio preparation to the soil before planting sunflower seeds or together with planting is more effective than the application of the same amount of hydrohumect. Based on the results of field experiments, the following preliminary conclusions can be made.

1. 50 mg/ha of ecosil, 1.0 l/ha of ecogum AF and 0.5 l/ha of polyboron organomineral fertilizers are applied to the sunflower crop at the stage of 4-5 leaf emergence, 7-8 leaves in the release phase, Ekosil at the rate of 100 mg/ha, Ekogum complex at the rate of 2.0 l/ha, Ekogum FK at the rate of 1.0 l/ha, and Polibor at the rate of 1.0 l/ha the height of the main stem was 9.9 cm, and the diameter of the basket was 3.8 cm higher than the control in the phase of formation of sunflower elements.

2. At the phase of 4-5 leaves to the sunflower crop are applied organomineral fertilizers such as Ecosil at the rate of 50 mg/ha, Ecogum AF at the rate of 1.0 l/ha and polyboron at the rate of 0.5 l/ha, and also at the phase of 7-8 leaves at

the rate 100 mg/ha of Ecosil, 2.0 l/ha of Ekogum complex, 1.0 l/ha of Ekogum FK and 1.0 l/ha of polybor fertilizers, the weight of sunflower grains in 1 basket was 21.2 grams higher than the control, and the weight of 1000 grains was 12.72 grams higher.

Based on these conclusions, taking into account that the highest efficiency was achieved when the composition of the combination of fertilizers in foliar feeding of sunflower consisted of ecosil, ecogum AF and polyboron organomineral fertilizers in the 1st feeding, and ecosil, ecogum complex, ecogum FK and polyboron organomineral fertilizers in the 2nd feeding, and also, When using Ekogum bio on soils with sufficient and high humus content, taking into account that the microorganisms in it have a positive effect on the nutrition of plants through their activity in the soil, compared to the hydrohumate preparation, in the combinations mentioned above, and before planting, the soil should be treated with Ekogum bio preparation we recommend giving.

**References:**

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PF-4947 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan".

2.Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 17, 2019 No. PF-5742 "On measures for effective use of land and water resources in agriculture".

3. Decree No. PF-5853 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 23, 2019 "On approval of the strategy for the development of agriculture of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030".

4. Methods of agrochemical analysis of soil and plants in Central Asia. - T:, 1977. - str. 187.

5. Management of the implementation of chemical and agrophysical analyzes of soil and soil monitoring, T.: 2004.

6. Methods of conducting field experiments, T.:2007.

7. Muydinov, H., & Joraev, R. (2022). Effect of mineral fertilizer rates used in corn cultivation on soil nutrient balance. Scientific Research and Innovation, 1(3), 102-107.

8. Makhammadiev, S., Djurakul, S., Bakhtiyor, A., Jabbarov, Z., Jobborov, B., Mirzarakhmatovich, T. M., & Gulomovich, M. K. (2021). The formation of the nutrient medium in the soil is influenced by varieties and fertilizer and its impact on grain yield of winter wheat. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 5218-5230.

9. Kaysanova, G. B., & Muydinov, Kh. G. (2021). Влияние органического ҳуминового удобрения тумат на качество тыквы. In Fundamental and applied scientific research: actual questions, achievements and innovations (pp. 119-122).

10. Tarusina V.N., Sokolova T.V., Rusin G.G. Biological activity of polymethylsiloxanov pri predposevnom opudrivanii imi semiyan zernovykh kultur. Tezisy dokladov Vsesoyuznoy shkoly molodx uchenyx i specialistov "Teoriya i praktika primeneniya regulyatorov rosta rasteniy v selskom hozyyastve", Moscow, 1984, pp. 21-23.

11. Nurmatov Sh. Factors of abundant cotton production in the conditions of Kashkadarya region. Against, 2001, p. 11.

12. Eshkuwatov B., Turdiev A. Are biologically active substances useful? Agriculture of Uzbekistan. 2002, No. 1, p. 16.

13. Abdualimov Sh., Abaeva D., Turdialieva Sh., Application of UzGumi and Bioenergiya-M drugs on corn planted in the field in light gray soils of Andijan region. Journal of Agro processing 6 (2019) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-6, pp. 30-35.

14. www.gov.uz.

15. www.lex.uz

16. The official channel of the Institute of Soil Science and Agrochemical Research https://t.me/taiti_soil



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ВА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШДА УЧУВЧИСИЗ УЧИШ ҚУРИЛМАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ

***Бекчанов Қудрат Комилжонович,***
*Илмий ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи,*
*Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистри,*
*MBA – агробизнес мутахасислиги тингловчиси*

*Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти*

***Аннотация.*** Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш ва агротехник тадбирларни ўтказишда учувчисиз учиш қурилмалардан фойдаланиш самарадорлиги баён қилинган. Бунда учувчисиз учиш қурилмалари (дрон) дан фойдаланган ҳолда турли қишлоқ хўжалиги тадбирларини ўткизишнинг самарадорлиги ва сарфланган харажатлар қиймати асосида баҳоланган. Харажатлар қиймати аъанавий усуллар ва дронлар асосида олиб борилган қишлоқ хўжалиги тадбирлари кесимида ҳисобланган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида дронлар анъанавий усулларга нисбатан бир неча баробар самарадорлиги асосланган.

***Калит сўзлар:*** Учувчисиз учиш қурилмалари, дрон, қишлоқ хўжалиги хариталари, қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинги, агротехник тадбирлар, самардорлик.

***Аннотация.*** В данной статье описана эффективность использования беспилотных летательных аппаратов при наблюдении за сельскохозяйственными посевами и проведении агротехнических мероприятий. При этом эффективность проведения различных сельскохозяйственных мероприятий с использованием беспилотных летательных аппаратов (дронов) оценивалась исходя из стоимости затрат. Стоимость расходов рассчитывалась в разрезе сельскохозяйственных мероприятий, проводимых традиционными методами и с помощью дронов. На основе проведенных исследований обоснована многократно более высокая эффективность дронов по сравнению с традиционными методами.

***Ключевые слова:*** Беспилотные летательные аппараты, дрон, сельскохозяйственные карты, мониторинг сельскохозяйственных культур, агротехнические мероприятия, эффективность.

***Annotation.*** This article describes the efficiency of using unmanned aerial vehicles in monitoring agricultural crops and carrying out agricultural activities. In this, the efficiency of carrying out various agricultural activities using unmanned aerial vehicles (drones) was assessed based on the cost of expenses. The cost of expenses was calculated in the context of agricultural activities carried out using traditional methods and drones. Based on the conducted research, the many times higher efficiency of drones compared to traditional methods was substantiated.

***Key words:*** Unmanned aerial vehicles, drone, agricultural maps, monitoring of agricultural crops, agrotechnical activities, efficiency.

**Кириш.** Қишлоқ хўжалиги соҳасида рақамли технологиялар ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланган энг муҳим йўналишлардан бири учувчисиз учиш қурилмалари (дрон) дан фойдаланиш ҳисобланади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларини инвентаризация қилиш, далаларни электрон хариталаш, экинлар ҳолати ва ўсишини оператив мониторинг қилиш ва баҳолаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш ва бошқалар.

Қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланишда етакчи хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, бир қатор устунликларни кўришимиз мумкин.

Мисол учун, Японияда қарийб 5 миллион гектар экин майдонларининг 20 фоиздан ортиғида зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда

дронлардан фойдаланилади. Полшада дронлардан фойдаланиш тармоқ ҳосилдорлигининг 5 фоизгача ўсишига олиб келади. Қатар давлатида дронлар сув танқислиги ва ортиқчалигини ўз вақтида аниқлаб, сув ресурсларини бошқариши эвазига сувни 30 %га тежалишига, Мозамбикда эса сувдан фойдаланиш самарадорлиги 55 %га яхшиланган. Ҳиндистонда қишлоқ хўжалигида дронлардан оммавий фойдаланиш йўлга қўйилган. Хитойда дронлар ижараси бўйича илова яратилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш дастлаб ҳукуматимизнинг қарорига асосан, республикамиз ер ресурсларини инвентаразиация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш мақсадида 2016 йилдан кириб кела бошлади. Бугунги кунда эса буларга қўшимча равишда экинлар зараркунадларига қарши курашда дрон-спрейлардан ҳамда ўрмон ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини далага сепишда махсус дронлардан фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот объекти ва услублар:**

Қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида Тошкент вилоятида 3 турдаги дронлардан фойдаланилди, жумладан:

1) Қишлоқ хўжалиги хариталарини яратиш мақсадида картографик дрон;

2) Қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш мақсадида Phonton-4 дрони;

3) Қишлоқ хўжалиги экинларига агротехник тадбирларни амалга ошириш учун спрей-дрон.

**Тадқиқот натижалари:**

Ўрганиш натижаларига кўра, дрон ёрдамида ўтказилган 3 турдаги тадбирни ананавий усул билан таққосланди ва қуйидаги хулосаларга келинди (жадвал).

Жадвал

**Ананавий усул ва учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида қишлоқ хўжалигида асосий тадбирларни ўтказилиши юзасидан таққослама**

| т/р | Иш тури | Ананавий усулда (1000 га.) | Тахминий харажат (млн сум) | Дронлар ёрдамида (1000 га.) | Харажат (млн сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги хариталарини яратиш, янгилаш | Дала ишлари: 4 кишидан иборат 1 та бригада электрон тахеометр ёки GPS қурилма ёрдамида 10 кун ишлайди (ойлик маоши, кунлик харажатлар, меҳмонхона, транспорт харажатлари). Камерал ишлар: 1 та мутахассис 10 кун (ўртача ойлик маош) | 15,5-16,0<br>1,2-2,0 | Дала ишлари: 2 кишидан иборат учувчилар бригадаси дрон ёрдамида аэрофотосъёмка 2 кун ишлайди (ойлик маош, кунлик харажатлар, меҳмонхона, транспорт харажатлари). Камерал ишлар: 1 та мутахассис 3 кун (уртача ойлик маош) | 1,6-2,0<br>0,60-0,80 |
| **Жами** | | | 16,7-18,0 | | 2,2 - 2,8 |
| 2 | Қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилиш | 2 киши 2 кун | 1,6-2,0 | 1 киши 1 кун | 0,4-0,5 |
| **Жами** | | | 1,6-2,0 | | 0,4 - 0,5 |
| 3 | Қишлоқ хўжалиги экинлари агротехник тадбирларини амалга ошириш | 1 дона трактор ёрдамида суюқлик сепиш (1 гектар учун хизмат ҳаққи тахминан 150 минг сўм, ёқилғи харажатлари 1 гектар учун 5-8 литр) | 200-205 | 2 кишидан иборат учувчилар бригадаси 1 дона бак сигими 40 литр бўлган агродрон ёрдамида (хизмат ҳаққи 1 гектар учун ўртача 50 минг сум) | 50-60 |
| **Жами** | | | **200 - 205** | | **50-60** |
| **Ҳаммаси** | | | **218,3-225,0** | | **52,6 - 63,3** |



ISSN 2181-0826 3/2024 y.

Қишлоқ хўжалиги хариталарини яратиш ва янгилаш ишлари ананавий усулда 1000 гектар майдонга ҳисоблаганда дала ишларида 4 кишидан иборат 1 та бригада электрон тахеометр ёки GPS қурилмаси ёрдамида ўртача 10 кун ишлайди, бунда уларнинг ойлик иш ҳаққи, кунлик харажатлари, меҳмонхона ва транспорт харажатларини ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, ўртача 15-16 млн сўм харажат қилинади, камерал ишларига эса 1 та мутахассис 10 кун ишласа ўртача 1,2 млн дан 2 млн сўмгача, жами харажат эса 16,7-18,0 млн сўмни ташкил қилади. Худди шу тадбир дронлар ёрдамида 1000 гектар майдонда бажарилганда дала ишлари учун 2 кишидан иборат учувчилар бригадаси дрон ёрдамида аэрофотосъёмкага 2 кун вақт сарфланди, уларнинг ойлик иш ҳаққи, кунлик харажатлар, меҳмонхона ва транспорт харажатлари учун 1,6-2,0 млн сўм сарфланди, камерал ишларга 1 та мутахассис 3 кун сарфлади ва иш ҳаққи 600-800 минг сўм сарфланди. Ушбу тадбирни амалга ошириш юзасидан хулоса қиладиган бўлсак, жами харажатлари 2,2-2,8 млн сўмни ташкил қилиб, ўртача 14,5-15,2 млн сўм харажатлар тежалишига олиб келди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинларини мониторинг қилишда 1000 гектар майдон учун ўртача 1,6-2,0 миллион сўм маблағ сарфланса, дронлар ёрдамида 400-500 минг сўм ҳаражат қилинди ва жами 1,2-1,5 млн сум маблағни тежалишига эришилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларига агротехник тадбирларни амалга оширишда ананавий усулда 1 дона трактор ёрдамида суюқлик сепиш 1 гектар учун хизмат ҳаққи тахминан 150 минг сўм, ёқилғи харажатларига 1 гектарига 5-8 литр сарфланса, жами харажат 1000 гектарига 200-205 млн сўмни ташкил қилади. Худди шу тадбирни 2 кишидан иборат учувчилар бригадаси бак сиғими 40 литр бўлган 1 дона дрон ёрдамида ўтказганида сарфланган маблағ - хизмат ҳаққи учун 1 гектарига 50 минг сўмни ташкил қилиб жами харажат 50-60 млн сўмни ташкил қилди, яъни ананавий усулга нисбатан 160-165 млн сўм маблағни тежалишига эришилди.

Бу ўтказилган тадбирларнинг алоҳида аҳамиятли томони шундаки, дронлар ёрдамида экинларни ҳолати мониторинг қилинганда зарарланган ва бегона ўтлар босган ҳудудларни аниқлаш даражаси 95 % дан юқорини ташкил этди. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга экинларнинг фақат зарарланган жойлари билан курашиш имконини беради ва ортиқча харажатга йўл қўймайди.

**Хулоса**

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда қишлоқ хўжалигида сарф-харажатларни камайтириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва сувни тежаб ишлатишда учувчисиз учиш қурилмаларидан кенг кўламда фойдаланиш ўз самарасини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1.https://kun.uz/kr/news/2023/07/26/qishloq-xojaligida-dronlardan-foydalanish-sohada-hosildorlikni-oshiradi-mhti.

2.https://www.yuz.uz/news/dronlardan-foydalanish-fermerlarga-xarajatlarni-kamaytirish-imkonini-beradi.

УДК: 631.4

# ШИРОКО ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В МИРЕ МОДЕЛИ ВЕТРОВОЙ ЭРОЗИИ ПОЧВ

***Маматкулов Аслиддин Рустамбек угли,***
*докторант III – курса,*
*e-mail: amamatqulov@tersu.uz*

*Институт почвоведения и агрохимических исследований*

***Аннотация.*** Ветровая эрозия представляет собой угрозу для многочисленных ланд-шафтов по всему миру, которая может усиливаться или подавляться прямыми и косвенными воздействиями. В последние годы были предприняты большие усилия по определению масштабов ветровой эрозии почвы в различных экологических условиях по всему миру. С появлением моделей ветровой эрозии лучшее понимание динамики и основных механизмов ветровой эрозии обеспечивает основу для оценки не только эрозии почвы, но и различных методов природоохранного управления с целью борьбы с ветровой эрозией почв.

Существуют различные модели ветровой эрозии различной степени сложности и конкретных возможностей, а также диапазон пространственных и временных масштабов применения. Из-за их неопределённости и ограничений их применимость к различным регионам и исследовательским вопросам все ещё обсуждается. В данной статье рассматривается несколько широко используемых моделей ветровой эрозии для сравнения основных концепций динамики ветровой эрозии и приводятся некоторые рекомендации относительно применимости моделей, ожидаемой достоверности и будущие направления исследований по моделированию.

***Ключевые слова:*** почва, ветровая эрозия, модели ветровой эрозии, механизмы ветровой эрозии.

***Аннотация:*** Шамол эрозияси бутун дунё бўйлаб кўплаб ландшафтларга ўзига хос хавф туғдиради. Бу тўғридан-тўғри ва билвосита таъсирлар билан кучайиши ёки ўзгариши мумкин. Сўнгги йилларда бутун дунё бўйлаб турли хил экологик шароитларда тупроқ шамол эрозиясининг кўламини аниқлаш бўйича катта изланишлар олиб борилди. Тупроқ шамол эрозияси моделларининг пайдо бўлиши билан, шамол эрозиясининг динамикасини аниқлаш ва мониторинг қилиш ҳамда асосий механизмларини яхшироқ тушуниш имконияти яратилди.

Шамол эрозияси моделларининг турли хил даражадаги мураккаблилик ва ўзига хос имкониятларга эга бўлган турлари ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланиши жиҳатдан масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда шамол эрозияси моделлаштирилади. Ноаниқликлар ва моделларда бўлган чекловлар туфайли ушбу моделлар турли минтақаларга қўлланилиши ва тадқиқот натижалари ҳар хил мунозаралар остида қолмоқда. Ушбу мақола шамол эрозияси динамикасининг асосий тушунчаларини солиштириш учун бир нечта кенг қўлланиладиган шамол эрозияси моделларининг имкониятлари таҳлил қилинди ва моделларнинг қўлланилиши, олинадиган натижаларнинг аниқлиги ҳамда моделлаштириш тадқиқотларининг келажакдаги йўналишлари бўйича баъзи тавсиялар келтирилган.

***Калит сўзлари:*** тупроқ, шамол эрозияси, шамол эрозияси моделлари, шамол эрозияси механизмлари.

***Annotation.*** Wind erosion is a threat to numerous landscapes around the world, which can be amplified or suppressed by direct and indirect impacts. In recent years, great efforts have been made to determine the extent of wind erosion of soil in various environmental conditions around the world. With the advent of wind erosion models, a better understanding of the dynamics and basic mechanisms of wind erosion provides a basis for assessing not only soil erosion, but also various environmental management methods to combat wind erosion of soils.

